

Қизнинг шармсиз нигоҳлари, ўзини туттиридан унинг ҳаёли, тарбия кўрган қизлардан эмаслигини тушунган йигит уни "илинтириш" пайига тушади. Аммо ўзи унинг тузоғига илинганини ҳаёлига ҳам келтирмайди.

8 бет

Бу «ишлар»га шу қадар киришиб кетган Ҳожиянвар бегонани эмас, ўз кўёви Б.Қобиловни чув туширишдан ҳам ўзини тийиб тура олмаган экан. У кўёвининг номига бир неча кредит уюшмалари билан кредитлар олиб, қайтаришга келганда...

9 бет

Mustaqillik huquq demakdir



1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2011-yil 24-noyabr, №47 (776)

Конституция ҳуқуқий давлатнинг асосидир

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан кейин барча жабҳаларда, яъни сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва давлат қурилишида чуқур демократик ўзгаришлар юз берди. Юртимизда демократик ҳуқуқий давлат ва инсонпарвар фуқаролик жамияти қурилиши жараёни бошланди. Ушбу туб ўзгаришлар 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституциямиз орқали ўзининг ҳуқуқий ифодасини топди.

Президентимиз Ислам Каримов ўзининг "Ўзбекистон: миллий, истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура" асарига "Давлатимизнинг келажаги, халқимизнинг тақдири кўп жиҳатдан Конституциямиз қандай бўлишига боғлиқ", деб ёзган эди. Янги Конституция давлатимиз ички ва ташқи сиёсатининг асосий қоидаларига, миллий қадриятларига, инсон ҳуқуқларига, давлат мустақиллиги принципларига, демократия ва ижтимоий адолат қоидаларига содиқлигини акс эттириши керак эди.

Янги Конституцияни ишlab чиқиш зарурлиги ҳақидаги фикр Юртбошимиз томонидан илк бор 1990 йил март ойда бўлиб ўтган ўн иккинчи қақриқ Ўзбекистон Олий Кенгашининг биринчи сессиясидаёқ айтилган эди алоҳида таъкидлаш лозим.

1991 йил 31 августда халқимизнинг асрий орзу-умидлари рўёбга чиқди — Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги эълон қилинди ва "Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида"ги конституциявий қонун қабул қилинди. 1992 йил 26 сентябрда Конституция лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига кўйилиб, матбуотда эълон қилинди.

Асосий Қонунимиз лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси Ўзбекистон халқининг хоҳиш-иродасини аниқлаш, қонунийнинг мукамал бўлиши учун жуда бой материал тўплаш имконини берди.

Кирилган таклифлар, тўпланган ҳужжатлар ҳар томонлама ўрганиб чиқилиб, умумлаштирилди ва халқнинг умумий иродаси шаклида ўн иккинчи қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессияси муҳокамасига киритилди.

Юртбошимиз Олий Кенгаш сессиясида Конституциямизни "халқчил қомус" деб атаб, "Табиийи, ҳар қандай давлатнинг юзи, обрў-эътибори унинг Конституцияси ҳисобланади. Зотан, Конституция давлатни давлат, миллини миллат сифатида танитадиган Қомусномадир. Шу маънода Асосий Қонунимиз халқимизнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради. Чунки уни ишлаб чиқиш ва муҳокама этишда бутун халқ иштирок этди. Бир сўз билан айтганда, Конституциямиз том маънода халқимиз тафаккури ва ижодининг маҳсулидир", деган эди.

Ўн иккинчи қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенга-

шининг ўн биринчи сессиясида муҳокама қилиш учун киритилган Конституция лойиҳаси 1992 йил 8 декабрь куни қабул қилинди ва ушбу қонун мамлакатимизда "Конституция куни" деб эълон қилинди.

Конституция ҳар бир мамлакатнинг суверенитети, миллий давлатчилиги ривож, фуқароларининг ҳаёти, жамиятдаги ўрни ва турмуш тарзини белгилаб берадиган асосий қонунидир. Юртбошимизнинг бевосита бошчилигида 19 йил муқаддам ишлаб чиқилган ва қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси халқимизнинг инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети қоидаларига содиқлигини ифода этиб, халқро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидаларига асосланган, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишнинг мустаҳкам йўлини белгилаб берди.

Мамлакатимиз халқи ҳаётининг барча ҳабаҳаларини белгиловчи ва билдирувчи Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Муқаддима, "Асосий принциплар", "Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари", "Жамият ва шахс", "Маъмурий-ҳудудий ва давлат тузилиши", "Давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши", "Конституцияга ўзгартириш киритиш тартиби" деб номланган 6 та бўлим, 26 та бобдан ташкил топган бўлиб, 128 моддани ўз ичига олади.

Ўзининг тузилиши, йўналиши, мазмуни, моҳияти жиҳатидан аввалги конституциялардан мутлақо фарқ қилувчи Ўзбекистон

Республикаси Конституциясининг барча моддалари мустақиллик қоидаларини ўзида акс эттирилганлиги билан муҳим аҳамият касб этади. Ҳақиқатдан ҳам Конституциямизнинг ҳар бир бўлими, ҳар бир моддаси, ҳар бир бандида янгича қараш, янгича ёндашув, янгича қонун ва янги фикрлар ўз аксини топгани ҳолда истиқлол нафаси уфуриб турганига ғувоҳ бўламиз.

Ўзбекистон халқи инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети қоидаларига содиқлигини тантанали равишда эълон қилиб, ҳозирги ва келажақ авлодлар олдидаги юксак масъулиятни англаган ҳолда, ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таяниб, демократия ва ижтимоий адолатга содиқлигини намойн қилиб, халқро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидалари устунлигини тан олган ҳолда, мамлакатимиз фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлашга интилиб, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни кўзлаб, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш мақсадига ўзининг муҳтор вакиллари сиймосида Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қабул қилди.

Халқимиз Конституциямизнинг қабул қилиниши орқали дунё ҳамжамиятига ўзининг умуминсоний қадриятларга содиқ эканлигини намойн қилди. Ушбу умуминсоний қадриятларнинг диққат марказида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқларини таъминлаш

Шухрат УЗАКОВ,

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари — Республика Ҳарбий прокурори

давлатимиз олдидаги олий масъулият эканлиги Конституциямизнинг асосий қоидаларига таяниб, давлатнинг мажбурияти ушбу ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлашда акс этади.

Мунтазам равишда, "Халқ юз йиллар мобайнида озодликни орзу қилган Ўзбекистон чинакам мустақиллиқни кўлга киритиб, гуллаб-яшнаши ва фаровонликка эришиши, тараққий этган демократик давлатлар қатори халқро ҳамжамиятда муносиб ўрин эгаллаши — биз кўзлаётган олий мақсаддир. Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси бунинг ҳуқуқий қафолати бўлиб хизмат қилади", деб таъкидлаган эди.

Конституциямиз қабул қилинган қонун ҳар йили халқимиз томонидан катта байрам сифатида кўтаринки руҳда нишонланиши аънаънага айланган. Конституциямизда ўзбек халқининг иродаси акс эттирилган бўлиб, ҳуқуқ ва манфаатларимизнинг қонун билан қўриқланишини, айти пайтда халқимизнинг Асосий Қонуни сифатида ўзида демократик тамойилларни акс эттирди ва мустақиллик қоидаларини ҳуқуқий қафоллади.

(Давоми 3-бетда)

Одам савдоси — глобал муаммо унга қарши курашиш барчанинг вазифаси

Одам савдоси — умумжаҳон миқёсидаги муаммолардан бири бўлиб, у инсоннинг шаъни, қадр-қиммати, оёйишта турмуши ҳамда келажагига таҳдид солиши, ўзининг чегара танламаслиги ҳамда ўз гирдобига асосан ёшларни ва аёлларни тортаётгани билан ҳам хавфлидир. У инсоннинг эркинлиги, тенглиги ва шахсий дахлсизлигига путур етказган, уни турли хўраик ҳамда камситишларга улчор этади.

Махсул ишлар олиб борилмоқда. 2008 йилнинг 17 апрелида "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонун, 8 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Одам савдосига қарши курашнинг самардорлигини оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди. Мазкур ҳужжатлар одам савдосига қарши кураш фаолиятининг асосий мезони бўлиб, унинг самардорлигини ошириш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар мажмуини белгилаб берди. Қонун одам савдосига қарши курашиш муносабатларини тартибга солиб, ушбу фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари ва уларнинг ваколатларини белгилаб беради, одам савдоси қурбонларини ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам кўрсатиш каби масалаларни ўзида жамлайди.

(Давоми 5-бетда)



Наманганда одам савдосига қарши курашиш идоралараро ҳудудий комиссиялари масъул қотиблари иштирокида "Одам савдосига қарши курашда жамоатчилик иштироки" мавзусида минтақавий ўқув машғулотлари бўлиб ўтди. Одам савдосига қарши курашиш Республика идоралараро комиссияси ва Бош прокуратура ташаббуси билан ташкил этилган ушбу тадбирларда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, Андижон, Фарғона ва Наманган вилоят прокуратура ва ички ишлар идоралари ходимлари қатнашишди.

Машғулотлар доирасида ўтказилган тадбирларда мамлакатимизда одам савдосига қарши кураш масаласига алоҳида эътибор берилётгани таъкидланди. Дарҳақиқат, ушбу йўналишда Юртбошимизнинг ташаббуси билан изчил ва сер-



Эзгу мақсадлар йўлида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури тўғрисида"ги Қарорида мамлакатимиз ва унинг ҳудудларида янада қулай бизнес муҳити яратиш, хусусий мулкчиликнинг устуворлигини мустаҳкамлашга йўналтирилган қонун ҳужжатларини тақомиллаштириш ва бу борада ишончли қафолатларни таъминлаш, тадбиркорларга кўпроқ эркинлик бериш, давлатнинг бошқарув функциялари ва руҳсат берувчи нормаларини қисқартириш, бюрократик тўсиқ ва говларни олиб ташлаш, кичик бизнес субъектларининг молия-кредит ва хомашё ресурсларидан, улар ишлаб чиқарадиган маҳсулотларга давлат буюртмалари берилишидан кенг фойдаланишини таъминлайдиган бозор воситалари ва механизмларини татбиқ этиш, давлат ва назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари молия-хўжалик фаолиятига аралашувини кескин қисқартириш масалалари белгиланган. Шовот туман прокуратураси томонидан ушбу қарор, тадбиркорликка оид қонунлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини кучайтириш тўғрисида"ги буйруғи асосида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Туманда 1 октябрь ҳолатига 3135 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари рўйхатга олинган бўлиб, шулардан 391 таси 2011 йил давомида ташкил қилинган. Янги ташкил қилинган кичик бизнес субъектлари ҳисобига 1339 та янги иш ўринлари яратилишига эришилган. Туман прокуратураси томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Зеро, бозор муносабатлари шароитида бу муҳим аҳамиятга эга. Бунда нафақат тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашга, балки

тадбиркорлик субъектларининг эркин фаолият юритиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, туман маркази, қишлоқлар ҳамда маҳаллаларда аҳоли ва тадбиркорлик тузилмаларининг талаб ва ис-таклари ўрганилмоқда, янги тадбиркорлик субъектлари ташкил қилишга қўмақлашилмоқда. Айтайлик, жорий йилнинг ўтган даврида бевосита туман прокуратураси ташаббуси ва амалий ёрдами туфайли 38 та юридик шахс ва якка тадбиркорлик билан шуғулланиш истагидаги жисмоний шахслар рўйхатдан ўтказилди. Натижада 86 та янги иш ўринлари яратилишига эришилди.

Тадбиркорларнинг муружаатлари ҳар доим қонуний асосларда ҳал қилиниб келинмоқда. Дейлик, Анушахон кўчасида яшовчи Г.Қўшжонов, "Хитой" қишлоғи "Тўқмангит" маҳалласида яшовчи фуқаро Ш.Ражабов, "Шовотқалъа" қишлоғи "Қумён" маҳалласида яшовчи фуқаро Б.Матёкубов, "Ойбек Руслан" хусусий фирмаси раҳбари О.Нурметов, "Қиёт" қишлоғидан Р.Матқурбоновларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш мақсадида дўкон, маиший хизмат кўрсатиш биноси қуриш ҳамда фермер хўжалиги ташкил қилиш учун ер майдони ажратиш бўйича аризалари ўрганилиб, аризаларнинг талаблари қаноатлантирилди.

Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган назорат тадбирлари ҳам амалга оширилиб келинмоқда. Йилнинг ўтган даврида ана шундай тадбирларда аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан тегишли ташкилотларга 7 та тақдирнома киритилиб, 4 нафар мансабдор шахс қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўймаслик ҳақида расман огоҳлантирилди. Шунингдек, прокурор тақдирномасига асосан 2 нафар шахс интизомий жавобгарликка тортилиб, 1 та ҳолатда жиноят иши қўзғатилди.

Шухрат ИСМАИЛОВ,
Шовот туман прокурори
Ойбек ЖУМАНИЕЗОВ,
«Huquq»

Туманда давлат дастури доирасида жорий йилнинг ўтган даврида 21 млрд 591 млн. сўм ва 26 млн. 217 минг АҚШ доллари миқдорига маблағ ўзлаштирилган. Албатта, ушбу маблағ тадбиркорларимизнинг янада кенг ва самарали фаолият кўрсатишлари, ишлаб чиқаришни кенгайтиришлари, бунинг эвазига юртимиз иқтисодиётининг янада гуллаб-яшнашига ўз улушларини қўшишлари каби эзгу мақсадларга қарналган.

Айтайлик, туманда фаолият кўрсатаётган тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида 2011 йилнинг 9 ойи давомида 7 млрд. 509 млн. сўм миқдоридида кредит ажратиш белгиланган бўлиб, амалда 12 млрд. 698 млн. сўм ажрати-лишига эришилган. Бунинг ҳисобига 1254 ишчи ўрни яратилган. Ажратилган кредитларнинг 7302,6 млн. сўми саноат соҳасига, 1005,7 млн. сўми қишлоқ хўжалигига, 2045,8 млн. сўми савдо-воситачилик учун, 831,4 млн. сўми қурилиш соҳасига, яъни бино ва иншоотлар қуриш, сотиб олишга, 631,4 млн. сўми маиший хизмат кўрсатиш соҳасига, 881,1 млн. сўми бошқа тармоқларга йўналтирилган.

Таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг шу йил 24 августда қабул қилинган "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони соҳанинг янада ривожланишини таъминлашдаги муҳим қадам бўлди. Туман прокуратураси ушбу Фармон ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Умид қиламизки, тадбиркорларимиз бу каби ғамхўрлик ва имкониятлардан янада самарали фойдаланиб, юрт ривожига баракали улуш қўшадилар.

19 ноябрь куни Навоий вилоят прокуратурасида мамлакатимизда 2011 йилнинг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилинганлиги муносабати билан қабул қилинган Давлат дастури ижроси, тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ва улар фаолиятининг қафолатларини таъминлаш борасида амалга оширилган ишларга бағишланган вилоят идоралараро йиғилиши бўлиб ўтди.

Идоралараро йиғилиш

Йиғилишда вилоят ҳокимлиги, барча назорат-тектишув идоралари, тижорат банклари, адлия, прокуратура ходимлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан жорий йилнинг ўтган 10 ойи давомида 142 нафар тадбиркорга 24 млрд. 94 млн. сўм миқдоридида кредитлар, 36 нафар тадбиркорга 73 млн. сўм миқдоридида нақд пул олиб берилиши, 61 нафар фуқаронинг тадбиркорлик фаолиятини бошлаши учун рўйхатдан ўтиши ва гувоҳнома олишида амалий ёрдам кўрсатилиб, 274 нафар тадбиркорнинг ҳуқуқлари тикланди, 29 та тадбиркорлик субъектларида қонуний текширишлар ўтказилганлиги аниқланиб, айбдор шахсларга нисбатан тегишли чоралар қўрилди.

Мазкур йўналишга қаратилган қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган назорат тадбирлари давомида 200 дан ортиқ прокурор назорати ҳужжатлари қўлла-нилиб, судларга тадбиркорлик субъектларининг манфаатларини қўзғаб 10 та даъво аризаси киритилган. Жиддий қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 4 та жиноят иши қўзғатилган.

Вилоятда тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг бузилиши ҳолатларини тезкорлик билан аниқлаш ва уларни тиклаш мақсадида "007" рақамли ишонч телефонлари имкониятларидан кенг ва самарали фойдаланилмоқда. Ишонч телефонларини аҳоли эътиборига оммавий ахборот воситалари орқали етказиш чоралари мунтазам қўриб боришмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида тадбиркорлик субъектларидан 310 та муружаатлар келиб тушган бўлиб, барчаси қаноатлантирилган.

Йиғилишда вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва

Алишер ТЕШАЕВ,
Навоий вилоят прокурорининг
катта ёрдамчиси

эркинликлари ҳимоясини, қафолатларини таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш борасида амалга оширилган ишлар муҳокама этилиб, келгусидаги вазифалар белгилаб олинди. Муаммолари масалалар юзасидан берилган саволларга мутахассислар томонидан жавоблар берилди. Йиғилишда шунингдек, вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси А.Сувоннов томонидан вилоят прокуратураси ташаббуси билан чоп этилган "Тадбиркорларга ҳуқуқий маслаҳатлар" номли китобнинг тақдироти ўтказилди.

14 бўлимдан иборат мазкур қўлланма тадбиркорларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ва фаолиятларига фойдаланишга мўлжалланган. Мухтарам Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида қабул қилинган муҳим ҳужжатлар, маърузалар, қонунлар ва улардан намуналар қўлланмадан ўрин олган. Шунингдек, қўлланмада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг тегишли тартибда рўйхатдан ўтиши, банкларда ҳисоб рақамларини очили, кредитлар олиш ва фаолиятини йўлга қўйиш тартиби ҳамда бошқа бир қатор масалаларга оид тушунарлар берилган. Китобда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишда қонунийликка риоя қилиш ва текширишларнинг ҳолисона ўтказилиши бўйича тавсия ва маслаҳатлар берилган. Қолаверса, тадбиркорлик фаолиятида текшириш ўтказишга оид тартиблар, тадбиркорларни назорат қилувчи органлар ва бошқа масъул идораларнинг ўзаро муносабатлари тўлиқ очиб берилган.

Йиғилиш якунида иштирокчиларнинг барчасига мазкур китоб тақдим этилди.

Қонунга бўйсунган ютади

Нодир МУҲАМЕДОВ,
СВОЖДЛҚК Департаменти Мировод туман бўлими катта суриштирувчиси

Йил сайин ҳамюртларимиз онгидида тадбиркорлик, ишбилармонлик қўнималари шаклланиб, ҳалол меҳнат, ўз касбининг устаси бўлиш орқали ўзи ва oilаси фаровонлигига, давлат ва жамият ривожига улуш қўшаётганлар сафи ортиб бораёпти. Тадбиркор ва ишбилармонлар учун яратилган кенг имкониятлар, берилаётган имтиёзлар самараси сифатида турли шаклдаги тадбиркорлик субъектлари мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим ўрин тутиб келмоқда. Бироқ мўйим пул топиш, бойлик тўплаш йўлида қонунни четлаб ўтишга уринаётганлар ҳам учраб турибди.

2008 йилда Мировод туман ҳокимиятидан тадбиркорлик субъекти сифатида рўйхатдан ўтган, асосий фаолият тури қурилиш-таъмирлаш бўлган "IMP Diesel stroy" МЧЖга раҳбарлик қилган Альберт Ан ҳам қонунбузарлик билан узоққа бориб бўлмаслигини кеч бўлса-да тушуниб етди.

Гап шундаки, СВОЖДЛҚК Департаментининг Мировод туман бўлими ходимлари томонидан "IMP Diesel stroy" МЧЖда ўтказилган текширишда 2008-2010 йиллар оралиғида мазкур қорхонага раҳбар бўлган А.Ан солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлангани маълум бўлди. А.Ан ўз касбини яхши тушунадиган тадбиркорлардан, аммо неғадир ҳужжатларда бажарилган ишлар ҳажмини камайтириб кўрсатиш, Давлат солиқ идорасига нотўғри маълумотлар бериш каби қонунбузарликлардан ўзини тутиб тура олмаган.

У қорхона бош бухгалтери Л.Качегина билан биргаликда тайёрлаган ҳисоботларида "IMP Diesel stroy" МЧЖ томонидан 2009 йилда бажарилган ишлар ҳажмини камайтириб кўрсатиш орқали 10 млн. 679 минг сўмлик солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товланган.

Текширишлар давомида унинг қинғир ишлари фойда этилиб, солиқ тўлашни ҳуш қўрмайдиган тадбиркор Жиноят ишлари бўйича Мировод туман судининг ҳукми билан тегишли жазосини олди.

Чора-тадбирлар белгиланди

Андижон вилоят ҳокимлигида Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди. Унда ҳудудий Кенгаш депутатлари, туман-шаҳар ҳокимлари, ҳуқуқий муҳофаза қилувчи ва назорат-тектишув идоралари раҳбарлари ва масъул ходимлари иштирок этди.

Сессияда вилоят прокурори Б.Дехқоновнинг "2011 йил 9 ойида вилоятдаги қонунийлик аҳволи ва мансабдорлик жиноятлариға қарши курашининг ҳолати тўғрисида"ги масала юзасидан ахбороти тингланди.

2011 йилнинг ўтган даврида прокуратура органлари томонидан ижтимоий-иқтисодий соҳаларда 655 та текширишлар ўтказилиб, натижада 10 миңдан зиёд қонунбузарликлар аниқланиб, уларни бартараф этиш юзасидан 1300 та тақдирнома киритиш, 1900 нафар шахсларни интизомий, 2400 нафар шахсни маъмурий жавобгарликка тортиш, 295 та жиноят иши қўзғатиш каби прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилган.

Прокурорларнинг шу ва бошқа тадбирлар билан бу соҳаларга аралашуви натижасида 1700 нафар фуқаронинг бузилган ҳуқуқларининг тикланиши ва давлатга етказилган 200 млн. сўм зарарнинг ундирилиши таъминланган. Ижтимоий тўловлар ва бюджет ташкилотларида иш ҳақидан қарздорликка йўл қўйилмаган.

Б.УСМАНОВ,
Андижон вилоят прокуратураси бўлими
бошлиғи ўринбосари

Шу билан бирга, бу даврда вилоятда умумий жиноятчиликнинг камайишига эришилган бўлса-да, мансабдорлик ва иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларнинг айрим кўринишлари, жумладан, ўзганининг мулкани талон-торож қилиш ва порахўрлик жиноятлари кўпайганлиги қайд қилинди. Бундай салбий ҳолат, айнққса, ҳокимият ва давлат бошқаруви органлари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимларининг иш фаолиятида учраётганлиги қаттиқ танқид остига олинди.

Ўтган даврда вилоят прокуратураси органлари томонидан иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлари учун 1630 нафар шахсларга нисбатан юритилган 706 та жиноят ишлари бўйича жамият ва давлат манфаатларига 18 млрд. сўмлик моддий зарар етказилганлиги аниқланган. Унинг 17 млрд. сўмлиги тергов жараёнида прокуратура терговчилиги томонидан ундирилиши таъминланди.

Йиғилишда бу соҳадаги жиноятларга қарши кураш ва унинг олдини олишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар белгиланди.

Конституция ҳуқуқий давлатнинг асосидир

(Давоми.
Бошланиш 1-бетда/)

Агар Конституциямизнинг аввалги Конституциялардан асосий фарқлари ҳақида тўхталадиган бўлсак, Юртбошимиз таъкидлаганидек, аввало, унда коммунистик мафкура, синфийлик, партиявийликдан асар ҳам йўқ. Бунда истиқлолизм шарофати билан юзага келган янги ҳуқуқ ва эркинликлар тизимини, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг муҳофазаси кучайтирилганини ҳис қилиш мумкин.

Инсонни эъзозлаш, унинг манфаатларини ҳимоялаш чиқмак демократик, адолатли давлатга хос хусусиятидир. Асосий Қонунимизнинг 13-моддасида кўрсатиб ўтилганидек, Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади.

Конституциямизнинг энг халқчил, демократик ва ўта нуфузли Конституция тарихида жаҳондаги барча илгор ва тараққий топган давлатлар томонидан тан олинishi, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро Битим ва бошқа Конвенцияларга мувофиқ деб эътироф этилиши унинг янада халқчилигидан далолат беради. Мамлакатимиз Конституциясининг 16-моддасида гоят муҳим қоида мустақамлаб қўйилган. Унда шундай дейилади: "Мазкур Конституциянинг бирорта қоидаси Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказадиган тарзда талқин этилиши мумкин эмас.

Бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституцияга нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас".

Мустақиллигимизни сақлаш ва ҳимоя қилиш масалаларига бағишланган Конституциямизнинг 26-боби Мудофиа ва хавфсизлик деб номланади. Ушбу бобнинг 125-моддасида "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун тузилади", деб белгиланган.

Конституциянинг 126-моддасида Ўзбекистон Республикаси ўз хавфсизлигини таъминлаш учун етарли даражада Қуролли Кучларга эга эканлиги таъкидланган.

Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари Бевосита мудофиа мақсадларида ташкил қилиниб, урушлар ва қуролли можароларни бартараф этиш ҳамда уларнинг олдини олиш, Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатларини, суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини ва аҳолининг тинч ҳаётини ҳимоя қилиш учун давлат томонидан ташкил этилган ҳарбий бирлашмалар, қўшилмалар ҳамда қисмларни, шунингдек, бошқа ҳарбий тузилмаларни ўз ичига олади.

Бу норма Қуролли Кучларимизнинг миқдори ва ҳажми бошқа давлатларга қарши аг-

рессия мақсадларида қўллашни эмас, балки давлатимиз мустақиллигини ва халқимизнинг тинчлиги ва оқойишчилигини муносиб ҳимоя қилишни таъминлашни кўзлаб тузилганлигидан далолат беради.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Конституциямизнинг бекиёс ўрни армиямизда амалга оширилаётган изчил ислотхотларда, уларнинг самарасида ҳам кўринади. Модомики, жамиятимиздаги ўзгаришлар, янгиланишлар учун конституциявий қафолатлар яратилаётган экан, демек, биз бу борада ҳам ўзимизга хос, ўзимизга мос йўлдан бормоқдамиз.

Президентимиз Ислам Каримов ўзининг "Миллий армиямиз — мустақиллигимизнинг, тинч ва оқойишта ҳаёти-мизнинг мустаҳкам қафолатидир" деб номланган асаридида миллий армиямизнинг илк шаклланиш жараёнлари ҳақида сўз юритар экан, шундай дейди: "...90-йиллардаги мураккаб иқтисодий вазиятга қарамадан, биз ҳарбий қурилиш соҳасида олдимизда турган долзарб ва улкан вазифаларни ҳал этиш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоя қилиш учун зарур бўлган моддий ва молиявий манбаларни излаб топиш мақсадида қаттиқ иш олиб бордик". Дарҳақиқат, миллий армиямизнинг тамал тоши қўйилгандан эътиборан давлатимиз раҳбарияти бу долзарб масалага алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Хозирги кунда ишонч билан айтишимиз мумкинки, ҳарбий хизматчиларимиз табиий, экологик қийинчиликларга қарамадан ўз бурчларини виждонан бажаришади. Албатта, бунга жавобан давлатимиз уларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаб, ҳарбий хизматчиларнинг табиий қийинчиликлар мавжуд бўлган ҳудудларда олиб бораётган хизматлари қонунчилигимизга биноан бир қатор имтиёзлар билан қафолатланган.

Яна бир муҳим ҳужжат ҳақида тўхталаск. Бу Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондон Ислам Каримовнинг 2006 йилнинг 14 январидидаги қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисида"ги Низомдир. Ана шу муҳим ҳужжатнинг айнан Ватан ҳимоячилари кунда имзоланишида ҳам ўзига хос рамзий маъно бор. Зотан, бу мардлик касбини танлаган, ҳарбий хизматни Ватан ва халқ олдидаги муқаддас бурчи деб санайдиган юрт ҳимоячилари доимо давлатимиз эътиборида эканлигидан далолат беради. Ушбу Низомнинг олтинчи бобида ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган. Унда ҳарбий хизматчиларнинг қонунчилига белгиланган тартибда нафақа, тиббий таъминот ва бошқа қўллаб-қўллаб имтиёзлар ҳамда имтиёзлардан фойдаланиши кўрсатиб ўтилган.

Давлатимиз ҳудудий яхлитлигини, халқимизнинг тинч-оқойишта ҳаётини сақлаш, хизмат бурчини бажариш чоғида қаҳрамонларча ҳалок бўлган она юрт ҳимоячилари байрамларда ёдга олинади, уларнинг

оила аъзоларига моддий ва маънавий ёрдам қўрсатилади. Бу эса Конституциямизда таъкидланганидек, инсонпарварликнинг, инсонийликнинг олий қадрият даражасига кўтарилгандир. Мамлакатимиз, халқимизнинг ўз фидойи фарзандларини ҳеч қачон унутмаслигидан далолатдир. Қолаверса, она Ватан ҳимояси йўлида мард ва жасурий кўрсатган ҳарбийларимизнинг оила аъзолари ҳам доимо давлатимизнинг маънавий қўллаб-қувватлаши ва ҳимояси остига олинган.

Давлатимиз иқтисодиёти ривожланиб, устувор мақсадларимиз йўлида дадил одимлар ташланмоқда. Бу ўз-ўзиндан миллий армиямиз янада шаклланиб, ҳарбий хизматчиларимизнинг ижтимоий ҳимояси янада кучайиб бораётганлигидан гувоҳлик беради. Бобомиз Амир Темур бежизга: "Бой мамлакатнинг аскари бақувват бўлур, аскари бақувват мамлакат бой бўлур", демаган ахир. Қуролли Кучларимиздаги ислотхотларнинг муҳим йўналиши миллий армиямизнинг жанговар қудрати ва маҳоратини юксалтирадиган куч — армия сафларидаги инсонларга, уларнинг ижтимоий ҳимоясига қаратилгани ўз самарасини бермоқда.

Президентимиз таъкидлаганидек, армияни том маънода армия қиладиган, ҳар қандай мураккаб вазият ва синовлардан ёруғ юз билан чиқишига асос бўладиган, унинг жанговар қудрати ва ҳарбий маҳоратини юксалтирадиган куч — бу армия сафларида хизмат қиладиган инсонлардир. Шу маънода қарайдиган бўлсак, ҳарбий соҳадаги ислотхотлар, аввало, заминимизда тўғилиб ўсган, вояга етган ватанпарвар инсонларга эътибор, ғамхўрлик қаратилди. Бунинг исботини, кейинги йилларда қабул қилинаётган муҳим Фармон, қарорларда ҳам кўриш мумкин. Уларнинг аксарияти армия сафларида хизмат қиладиган, юрт ҳимоясини ўзига бурч ва касб деб билган ҳарбийларимиз янада кенгрок ижтимоий ҳимоялаш, уларга турли имтиёзлар яратишга қаратилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 майдаги "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг оддий аскарлар ва сержантлар таркибида мuddатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида"ги Қарорига кўра, мuddатли ҳарбий хизматчиларнинг ойлик лавозим маошлари икки бараварга, ҳарбий хизматдан бўшатиладиган бериладиган нафақа ишлари — энг кам ойлик иш ҳақининг 8 бараваригача ёки 20 бараварга оширилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 19 август кундаги "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларини ижтимоий муҳофиза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига кўра, мuddатли ҳарбий хизматчиларнинг ойлик лавозим маошлари икки бараварга, ҳарбий хизматдан бўшатиладиган бериладиган нафақа миқдори 2 баравар оширилиб, энг кам ойлик иш ҳақининг 16 баравари

миқдориди белгиланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 31 октябрдаги Қарорига биноан мuddатли ҳарбий хизматни ўтаётган йигитларимизга бериладиган имтиёзлар тизими янада такомиллаштирилди. Ҳарбий қисм тавсияномасига эга бўлган ёшларимиз республика олий ўқув юртиларига ўқишга киришда тестда тўпланиши мумкин бўлган энг кўп баллнинг 25 фоизи миқдориди имтиёзга эга бўлиши. Шунингдек, Қуролли Кучлар сафидида хизмат қиладиган ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий муҳофиза қилиш тизимини янада такомиллаштириш, уларни замонавий шарт-шароитларга эга бўлган турар жойлар билан таъминлаш мақсадида 2007 йил 14 сентябрь кўни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларини уй-жой билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги Қарори эълон қилинди.

Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида мuddатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини, қўшинларнинг жанговар ва ижтимоий-сиёсий ва сафарбарлик жихатдан тайёргарлигини такомиллаштиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида мuddатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони 2008 йил 20 ноябрь кўни қабул қилинди. Мазкур Фармонга асосан фуқароларни мuddатли ҳарбий хизматга йилга икки марта қақиршдан иборат совет тизимидан қолган ва мuddатли ҳарбий хизматчиларга ҳарбий мутахассислик сирларини ўрганишга қийинчилик туғдирадиган одадга барҳам берилиб, юртимизда 2009 йилдан бошлаб фуқароларни Қуролли Кучлар таркибига мuddатли ҳарбий хизматга йилга икки марта — февраль-март ойларида қақирш ва белгиланган мuddатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари захирасига март-апрель ойларида бўшатиш тартиби жорий қилинди.

Мамлакатимиз Қуролли Кучлари жанговар тайёргарлигини таъминлашнинг устувор вазифалари орасида қўшинларни тайёрлашда миллий ғоя, миллий мустақиллик мафкурасига таянган ҳолда тарбиявий ишларни ташкил этишининг бутун тизимини қайта тузишга киришилганлиги ҳам алоҳида эътиборга лойиқ.

Ислотхотларнинг энг муҳим амалий натижасини армиядаги ахлоқий-руҳий, маънавий муҳитнинг бутунлай янгиланганида, жамиятимизда армияга ва ҳарбий хизматга нисбатан ёндашув ва қарашлар тамомилан ўзгарганида, ёшларимиз

нинг ҳарбий хизматга бўлган қизиқишларида ҳам кўриш мумкин. Ҳарбий хизматдан мустаҳкам ҳаётий қарашларга эга бўлиб қайтган ўғлонлар мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислотхотларда фаол иштирок этишга ҳар томонлама тайёр эканлигини намойён этмоқда. Ўқиш ва ишга киришда қатор имтиёзга эга совик аскарлар ҳар жихатдан тенгдошларига ўрнат бўлаётир. Юртимизда яшаётган ҳар бир йигитнинг муқаддас бурчи бўлиши — Қуролли Кучлар сафидида хизмат қилишнинг нуфузи бениҳоя юксалди.

Бугунги кунда дунёда турли ғоявий-мафкурaviй ҳуружлар авж олаётгани халқимиз маънавиятини асраш ва юксалтириш, айниқса, барқамол авлод онги ва қалбига ватанпарварлик, мустақиллик ғояларини чуқур сингдиришни тақозо этмоқда. Бунда мамлакатимиз мустақил тараққиёт йўлининг ҳуқуқий асоси бўлган асосий Қонунимизни, унинг аҳамиятини кенг тарғиб қилиш, таъсирчан воситалар орқали ёшлар тафаккурига чуқур сингдириш муҳим ўрин тутаети. Зотан, ёшлар нафақат конституциявий ҳуқуқларини, балки бурч ва масъулиятини ҳам чуқур англаши лозим.

Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ишда ҳамда фуқароларни қонун устуворлигига ишонч руҳида тарбиялашда иштирок этиш прокуратура органларининг муҳим вазифаларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси томонидан Конституция қабул қилинганлигининг 19 йиллигини нишонлаш муносабати билан унинг мазмун-моҳиятини ҳарбий қисм ва муассасаларда хизмат қилиб келаятган ҳар бир ҳарбий хизматчи ва уларнинг оила аъзолари эътиборларига етказишга қаратилган бир қатор тарғибот тадбирлари ўтказиб келинмоқда. Жумладан, Республика Ҳарбий прокуратураси органлари томонидан жойлардаги ҳарбий қисм ва муассасаларда ҳамда ҳарбий шахарчаларда истикомат қилувчи ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан давра суҳбатлари, турли хил илмий-амалий конференциялар, ўқув-семинар машғулотлари ташкил қилиниб, бу борада оммавий ахборот воситалари, радио ва телевидение имкониятларидан кенг фойдаланилмоқда.

Конституциямизни муқаддас ҳужжат, беназир ҳуқуқий қадрият сифатида асраш-авайлаш, ўқиш-ўрганиш, мазмун-моҳиятини тушуниш, амалий фаолиятда унга оғишмай риоя қилиш, баён этилган ҳуқуқлардан самарали фойдаланиш ва бурчларни виждонан масъулият билан бажариш, амалиётга татбиқ этиш, келажак авлодга улугъ неъмат сифатида етказиш, омма ўртасида кенг тарғиб қилиш, у билан фахрланиш ҳар бир ўзбек фуқароси учун шарфафдир.

Ёшлар — юрт келажоги, миллат таяни

"Соғлом авлоди тарбиялаш — буюк давлат пойдеворини, фаровон ҳаёт асосини қуриш деганидир". Мамлакатимиз раҳбари томонидан мустақиллигимизнинг илк йилларида айтилган бу сўзлар ҳали-ҳамон истиқболдаги бош мақсад, давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишини белгилаб бермоқда.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон анча узоқни кўлаб, фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлиб яшашлари шарт, деган мақсадини таллади. Бугун вояга етмаганларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш борасида мустахкам ҳуқуқий базанинг яратилгани, самарали ижтимоий ҳимоя тизимининг жорий этилгани, замонавий таълим муассасаларининг барпо этилаётганлиги, вояга етмаганлар ҳамда ёшларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирларнинг амалга оширилаётганлиги фикримизнинг яққол ифодасидир.

Маълумотларга кўра, Ўзбекистон "Болалиқни асрайлик" халқаро ташкилоти томонидан тўзилган жаҳон рейтингда болалар саломатлигини мустахкамлаш борасида катта ғам-ҳўрлик кўрсатаётган энг илғор етакчи ўн мамлакат қаторидан ўрин олди. Демак, бу юқорида қайд этилган сайёҳ-харакатлар самарасидир. Шунингдек, аёллар учун энг яхши шарт-шароитлар яратилган давлатлар рейтинг буйича 125 мамлакат орасида кучли йигирма таликдан ҳол олган, оғирлими ҳимоя қилиш буйича ҳам юқори кўрсаткичга эга.

Қайд этиш жоизки, республикамизда фарзандларимизнинг жисмоний ва руҳий камолоти кечиктириб бўлмайдиган

ўта муҳим вазифа сифатида эътиборга олиниб, унинг мустахкам ҳуқуқий базаси яратилди. Бу борада қўллаб қўнгун ҳужжатлари амалиётга татбиқ этилмоқда. Шуниси эътиборга молики, ушбу қонун ҳужжатларининг ижроси таъминланишига барча давлат органлари билан бир қаторда кенг жамоатчилик ҳам жалб этилиб, аҳолининг барча қатламлари ўртасида уларнинг мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш юзасидан изчил ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, прокуратура органларининг бошқа ҳуқуқий тизим вакиллари ва ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда олиб бораётган тадбирлари ҳам соғлом авлод масаласининг нечоғли долзарб эканини кўрсатмоқда. Шу боис, вилоят прокуратураси органлари томонидан ҳокимликлар ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари буйича комиссиялар, вилоят ИИБ вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси гуруҳ (бўлими)лари ва таълим муассасаларида вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликнинг профилактикасига оид қонун ҳужжатлари ижроси доимий назоратга олинган.

Маълумот ўрнида айтиш кераки, бугунги кунда вилоятимиз аҳолисининг 67,7% минг нафарини вояга етмаганлар ташкил этади. Мазкур кўрсаткичнинг ўзи ҳам бу борадаги

ишлар қамрови кенглиги ва белгиланган вазифалар масъулиятини дарак беради. Аммо текшириш якуни бу борада бир қатор камчиликлар борлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрдаги "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги Қонунининг 9-моддасида ҳокимликлар ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари буйича комиссияларга вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик, ҳуқуқбузарликлар ва бошқа гайрииқтимоий хатти-ҳаракатларнинг профилактикаси, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш буйича тадбирлар режаси ишлаб чиқиш ҳамда уларни бажариш устидан назорат ўрнатиш юклатилган. Бироқ аччиқ бўлса ҳам тан олиш лозимки, Наманган шаҳри, Учқўрғон, Норин, Поп, Косонсой ва Наманган туманларида бу борада ишлар етарли даражада йўлга қўйилмаган. Шунингдек, Косонсой туманидан ташқари бошқа туман-шаҳар комиссиялари томонидан юқоридаги қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда, вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилишини бартараф этиш юзасидан давлат органи ва бошқа ташкилотларга бирорта ҳам тақдимнома киритилмаган. Боз устига, ўсимирлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг про-

филактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасаларнинг фаолияти мувофиқлаштирилмаган. Бу борадаги қонунлар бажарилиши юзасидан ахборотлар талаб қилиб олинмаган, масъулиятсиз раҳбарларга нисбатан тегишли чоралар кўрилмаган. Масалан, Поп туман ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари буйича комиссиянинг 2011 йил 7 февралдаги қарорига кўра, вояга етмаганлар М.Қўчқоров ва М.Султоновнинг таълим-тарбияси устидан назорат ўрнатиш "Поп" МФЙ раиси ва Поп маиший хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи директори зиммасига юклатилган. Бироқ текшириш кўнига қадар бу қарор ижроси таъминланмаган.

Бундан ташқари, ушбу масъулиятсизликка нисбатан комиссия томонидан ҳеч қандай чора кўрилмаган, давлат органларига уларнинг жавобгарлиги масаласини ҳал этиш юзасидан тақлифлар киритилмаган. Бу каби ҳолатни бошқа туманларда ҳам кузатиш мумкин. Шунингдек, шаҳар-туман комиссиялари томонидан вояга етмаганлар таълим-тарбияси салбий таъсир кўрсатаётган ота-оналарга нисбатан тегишли таъсир чоралари қўйилмаган. Масалан, Тўрақўрғон тумани, "Сайрам" ҚФЙ, "Поросмон" МФЙда яшовчи фуқаро М.Жабборов, "Хўжанд" ҚФЙ, "Найманча" МФЙда яшовчи А.Холдоров ва "Оқтош" шаҳарчаси, "Юқори

Равшанбек АБДУЛЛАЕВ,
Наманган вилоят прокурорининг
катта ёрдамчиси

Мугултой" маҳалласида истиқомат қилувчи В.Каттаев фарзандлари тарбиясига салбий таъсир кўрсатиб келган бўлса-да, бу ҳолат комиссиянинг эътиборидан четда қолган. Текшириш давомида туман прокуратураси даъво аризаси асосида суд қарорига кўра, бу 3 нафар фуқаронинг муомала лаёқати чекланди.

Вилоят Ички ишлар идораларининг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси гуруҳ (бўлими)лари фаолиятида ҳам эътиборсизлик ҳолатлари учрайди. Хусусан, мазкур гуруҳ томонидан ҳудудий бўлиналар фаолияти устидан етарли назорат ўрнатилмаган ва йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари қўрилмаган.

2010 йилда Наманган шаҳри, Мингбулоқ, Косонсой, Норин туманларида, 2011 йилда Эса Наманган шаҳри, Уйчи, Чортоқ ва Янгиқўрғон туманларида вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар ошиб кетган. Шунингдек, ақсарият туманларда вояга етмаганлар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликлар ҳам ортган. Бунинг сабабларини, албатта, бу масалада етарли иш олиб борилмаганлидан излаш ўринли.

/Давоми 12-бетда/

Фуқаролар мурожаатлари эътиборимизда

Фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қўриб чиқишда қонунийлигини таъминлаш прокуратура органларининг энг муҳим вазифаларидан бири саналади. Шу боисдан ҳам ариза ва шикоятлар билан ишлаш, мурожаатлар юзасидан ўз вақтида текширув ўтказиб, қонун доирасида чора-тадбирлар белгилаш туман прокуратурасининг доимий эътиборида. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, прокуратура қонунини, унинг талабларини қатъий ҳимоя қилувчи ишбон ҳисобланади.

Адолат мезони бузилганда, ноҳақлик юз берганда, бирон-бир қорхона, ташкилот, муассаса ё бўлмаса, мутасадди шахслар томонидан ҳуқуқий меъёрларга амал қилинмаганда, ҳайси касб-корда бўлмасин, фуқаролар прокуратура органларига ҳат орқали ёки ишонч телефонлари орқали мурожаат қиладилар.

Маълумки, ҳар бир ҳат ортида инсон тақдирини ётади. Шунинг учун ҳам туман прокуратураси томонидан фуқароларнинг мурожаатлари ўз вақтида ўрганилиб, зарур чора-тадбирлар белгиланмоқда. Аризаларда кўрсатилган ҳолатдан келиб чиққан ҳолда тегишли тартибда ўтказилаётган текширувлар, аниқланган қонунбузилишларга нисбатан прокурорлик назорати ҳужжатларининг қўлланилиши ўз самарасини берапти. Масалан, ДТ "Халқ банки" туман филиалига қарашли шохобча хазиначиси С.Раҳимов ва бошқаларнинг иш фаолияти ўрганилганда жиддий камчиликлар, қонунбузилиш ҳолатлари мавжудлиги аниқланди. Шохобча хазина-

начисининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари тўғрисида шикоят хати ёзган тумандаги Қорабўғ қишлоғида яшовчи фуқаро Х.Равшанова ҳақ эди.

Туман прокуратураси ва мутасаддислар иштирокида мазкур ҳат юзасидан тезкор текширув ўтказилди. Текширувда шу нарса маълум бўлдики, ДТ "Халқ банки" туман филиали тасарруфидоги шохобчаларда марказий бўлим мутасаддислари иштирокида ички назорат ўтказиш режаси амалга оширилмаган ҳамда ДТ "Халқ банки" вилоят бошқармаси тасдиқланган иш режасининг ижроси таъминланмаган. Хусусан, 6049/022-сонли шохобча нима сабабдандир, 2010 йил февраль-сентябрь ойларидаги текширувлардан четда қолган. Бунинг устига ДТ "Халқ банки" туман филиалининг мансабдор шахслари Қорабўғ ҚФЙда яшовчи меҳнат аҳлининг қилган мурожаатларига ўта масъулиятсизлик ва совуққонлик билан қараб келганлар.

Ўтказилган текширув натижасида фуқаролар бекорга ариза-дод қилмаганлиги маълум бўлди. Филиалга қарашли 6049/022-сонли шохобча собиқ хазиначиси Сирожиддин Раҳимов ва назоратчи Сайёра Суярова раҳбариятининг эътиборсизлигининг фойдаланиб, 37 ҳолатда нафақа пулларини ўз эгаларига бермасдан тегишли ҳужжатларга сохта имзолар қилиб, расмий ҳужжатларни сохташтираётганлар ва 5 миллион сўмдан зиёд нафақа пулларини ўзлаштириб юборганлар. Ушбу ҳолат юзасидан ДТ "Халқ банки" туман филиалининг масъул мансабдор шахсларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 205-моддаси 2-қисми "б" ва "в" бандлари билан ҳамда филиалнинг 6049/022-сонли шохобчаси собиқ хазиначиси Сирожид-

дин Раҳимов ва бошқа мансабдор шахсларга нисбатан ЖКнинг 167-моддаси 2-қисмининг тегишли бандлари ва 209-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилди. Дастлабки тергов якунарига кўра, жиноят иши судда мазмунан қўрилмоқда.

Шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида"ги ва "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонунлари меҳнат аҳлининг ариза ва шикоятлари билан ишлашда прокуратура ходимлари учун дастуриламал вазифасини ўтайди. Мазкур қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар инсон манфаатларини ҳимоя қилиш, адолатсизлик ва ҳақсизликка тўқнаш келган кишиларнинг бузилган ҳуқуқларини қайта тиклашни тақозо этиши, бир сўз билан айтганда, ҳақиқат, адалат, инсонпарварлик ғоялари билан суғорилганлиги сабабли ҳам халқимизнинг қалбига яқин ва қадрлидир.

Тумандаги "Бобуртепа" МФЙ Пастол қишлоғида яшовчи фуқаро К.Бегимкулов ҳам прокуратурага мазкур маҳалла фуқаролар йиғинининг раиси устидан шикоят хати йўлларкан, қонунларимизнинг ҳимоясига умид боғланганлиги, адолат қарор топишига ишонганлиги қўриқиб турибди. Унинг аризаси ҳам мутасаддислар иштирокида ўрганилиб, йиғин раиси А.Бердиевнинг қонунга хилоф равишда фаолият юритаётганлиги аниқланди. Маълум бўлишича, Азамат Бердиев ва унинг атрофидаги кишилар томонидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 1999 йил 4 июнда рўйхатдан ўтган "16 (18) ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа пули тайинлаш тўғрисида"ги услубий кўрсатмасининг 16-банди қўлол равишда бузилган, яъни Азамат

Бахтиёр ИСМАТОВ,
Қамаши туман прокурорининг
катта ёрдамчиси

Бердиев ва бошқалар мансаб ваколатларини суистеъмол қилиб, расмий ҳужжатларни қалбакилаштирганлар. Уларга сохта маълумотлар ва ёзувлар қилиб, белгиланган мезонга амал қилмай 2 та ҳолатда 797 580 сўм тўлаб юборганлар. Шунингдек, фуқароларнинг моддий ва мулкий аҳолининг ўрнини чиқмасдан ва далолатнома тўлдирмасдан 6 та ҳолатда 1 794 552 сўм ҳамда фуқаролар томонидан топирилган иш ҳақи даромадлари тўғрисидаги маълумотларни сохташтираш йўли билан 398 790 сўм, жами 9 та ҳолатда 2 990 922 сўм тўлаш билан давлат мулкига зиён етказганлар.

Бундан ташқари, 2 ёшгача бола парварлишида бўлган ишлайдиган ва ишламайдиган оналарга жами 8 ҳолатда 6 921 880 сўм, ҳаммаси бўлиб 17 ҳолатда жами 9 912 802 сўм миқдоридоги нафақа пулининг ноқонуний равишда тўланишига йўл қўйганлар ва бу билан жиноят содир этганлар.

"Бобуртепа" маҳалла фуқаролар йиғини раисининг қонунга зид бундай фаолияти ҳам атрофдаги ўрганилиши ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 205-моддаси 1-қисми ҳамда 209-моддасининг 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилди. Дастлабки тергов якунарига кўра, жиноят иши суд муҳокамасига юборилди.

Давлат ва жамият мулкига нисбатан қилинган ҳар қандай гайриқонуний ҳаракат жазосиз қолмайди. Шунинг учун фуқароларимизнинг бу борада қўнчаклик билан қилган мурожаатлари ҳамиша эътиборимизда бўлмоқда.

Одам савдоси — глобал муаммо

унга қарши курашиш барчанинг вазифаси

[Давоми.
Бошланиши 1-бетда]

Карорга мувофиқ, Одам савдосига қарши кураш самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар Миллий дастури қабул қилинди. Одам савдосига қарши курашиш Идораларо комиссияси тузилиб, унинг таркиби ҳамда Республика Идораларо комиссияси тўғрисидаги Низом тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р.Қодиров раис этиб тайинланган ушбу комиссиянинг асосий вазифалари қаторида одам савдосига қарши курашиш борасида ҳудудий давлат ва фуқароларнинг ўзини ўзи боқариш органилари ҳамда нодавлат негизда ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш; тегишли ҳудудда одам савдоси-

қурбонларига ижтимоий, тиббий, ҳуқуқий ёрдам кўрсатилиб, ишга жойлаштиш масалаларида кўмак кўрсатиб келинмоқда.

Одам савдосига қарши кураш фаолиятида жиноят ва унинг оқибатлари юзасидан аҳоли ўртасида олиб бориладиган тарғибот-ташвиқот ишлари ҳам муҳим ўрин тутди. Бугунги кунга қадар жами 35 мингдан зиёд тарғибот тадбирлари амалга оширилган. Республика бўйлаб, ҳатто чекка ҳудудларда жойлашган туманларда ҳам чет давлатларда иш тақлиф этувчи шубҳали тақлифлардан огоҳ бўлиш хусусидаги кўргазмали тарғибот материаллари тарқатилиб, 1,5 мингга яқин банерлар реклама шитиларига жойлаштирилган. Аҳоли ўртасида 350 минг плакат, 4,5 млн. буклетлар оммалаштирилган.

Ўқув машғулоти раисидан "Одам савдосига қарши курашишда жамоатчиликнинг иштироки: муаммолар ва ечимлар" мавзусида минтақаларо илмий-амалий конференция ўтказилди. Унда Бош прокуратуранинг Олий ўқув курс-

Гульноза РАХИМОВА,
Бош прокуратура матбуот
хизмати раҳбари, Республика
идораларо комиссиясининг
таҳлилий ишчи гуруҳи аъзоси

ят одам савдосига қарши кураш идораларо комиссияси ййғилишида иштирок этишди.


Бундан ташқари, ўқув дастури доирасида идораларо ҳудудий комиссия масъул котиблари Мингбулоқ туманида ҳам бўлиб, туман ҳокимлиги ҳузуридаги одам савдосига қарши кураш идораларо ҳудудий комиссия фаолиятига доир илғор услубий ишлар билан таништиди.

Аҳоли меҳнат бандлигини таъминлаш, шу жумладан, касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш орқали одам савдосига қарши кураш мақсадида ташкил этилган "Бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси" да ҳам иштирок этишди. Ярмаркада 933 бўш иш ўринлари билан 153 та корхона ва муассасалар иштирок этиб, унда Наманган шаҳар, Мингбулоқ, Тўрақўрғон ва Наманган туманларидан 1,5 минг аҳоли қатнашди. Ярмарка низоҳида 436 нафар шахс ишга жойлаштириш учун йўлланмалар олиб, улардан 175 тасини коллеж битирувчилари ташкил этди.

Ўқув машғулоти дастури доирасида "Аҳоли бандлигини таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари" мавзусида давра суҳбат ташкил этилди. Унда мактаб, коллеж ва лицей директорлари, маҳалла фуқаролар ййғинлари раислари, ишбилармонлар, корхона ва ташкилот раҳбарлари ва ўқувчилар иштирок этишди.

Ўқув машғулоти дастуридан Одам савдосига қарши кураш Республика идораларо комиссияси ташаббуси ва иштироки билан Ўзбекистон Миллий академик драма театри томонидан саҳналаштирилган "Огоҳ бўлинг одамлар" номида спектакль намоишининг ташкил этилгани ҳам ўрин олди. Ҳозирда ушбу спектакль Андижон ва Фарғона вилоятларида ҳам намоиш этилмоқда.

Ўқув машғулоти сўнггида одам савдосига қарши кураш идораларо ҳудудий комиссия масъул котиблари га сертификатлар тақдим этилди.



Минтақавий ўқув машғулоти раисидан лавҳа

га имкон берувчи сабаблар ва шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этишга доир ишлар самарадорлигини оширишга қаратилган тадбирларни ташкил этиш ва уларни амалга ошириш; тегишли ҳудудда одам савдоси кўлами, ҳолати ва тенденциялари, шунингдек, одам савдосидан жабрланган фуқароларга кўрсатилган ёрдам тўғрисидаги ахборотни тўплаш, таҳлил қилиш ҳамда ҳар ойда Республика Идораларо комиссиясининг ишчи органига тақдим этиш; одам савдосига қарши курашиш ва унинг олдини олиш борасида қонунчилик тарғибот ишларини ташкиллаштириш ва уларда бевосита иштирок этиш; одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш ишларини яхшилаш ҳамда одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини тақомиллаштириш бўйича тақлифлар тайёрлаб, Республика Идораларо комиссиясига киритиб бориш белгиланган.

Шунингдек, 2008 йил 16 сентябрда "Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси"нинг 135-моддасига ўзгартириш киритиш тўғрисида"ги Қонун қабул қилиниб, қонун нормаси тегишли конвенция қоидаларига мувофиқлаштирилди ва одам савдоси жинояти учун жазо кучайтирилди. 2008 йил 5 ноябрдаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан Одам савдосидан жабр кўрганларга ёрдам кўрсатиш ва ҳимоя қилиш реабилитация маркази ташкил этилиб, марказ томонидан одам савдоси

Фирибгарлик — жиноятнинг бир тури сифатида мулкчилик вужудга келганидан то бугунги кунларга қадар инсон билан биргаликда. Мисрда дунёда биринчи марта фирибгарлик жинояти ерда ҳаёт бошланиши билан, яъни қирол Озирис даврида содир этилган, деб айтिलाди. Ривоят қилишларича, қирол Озириснинг укаси Сет унга нисбатан нафрат билан муносабатда бўлиб, ўз акасини тахтан йиқитиш мақсадида бўлган. Бир кун у тилла санаиқ ясаб, агар ким унга жойлаша олса, бу одамга ушбу тилла санаиқ ва жуда кўп миқдордаги пул беришни ваъда қилган. Санаиқ айнан қирол Озирис учун мўлажаллаб ясалгани боис, санаиққа фақатгина у сиғиди. Укаси бўлса ўша заҳотиёқ санаиқни қулфлаб, Нил дарёсига ташлаб юборган экан.

Фирибгарлик — интеллектуал жиноят

М.ИГАМОВА,
Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди судьяси

Хозирги даврда бундай усуллар билан фирибгарлик содир этилиши жуда ҳам "оддий" ҳисобланади. Агар юқоридаги воқеани ҳақиқат деб ҳисобласак, айнан ушбу воқеадан кейин фирибгарликнинг янгидан-янги усуллари ўйлаб топилга бошланди. Балки, ўша даврдаги инсонларнинг психологияси соддароқ бўлгандир. Машҳур мисршунос олим Пьер Монтенинг айтишича, илгари бирор уйга "мулкка тажовуз қилган шахс тимсоҳ тўла сувга ташланади", деган гап ёзиб қўйилганлигининг ўзи одамларни жиноят содир этмасликларини учун етарли бўлган экан.

Ҳозирги кунга келиб эса, бундай таъқиқнинг ёзиб қўйилиши билан жиноят содир этилишининг олдини олиш мумкин эмаслигини яхши биламиз. Жамият ривожланишининг бугун босқичида жиноят содир этишда, хусусан, юқорида таъкидлаганимиздек, фирибгарликнинг янгидан-янги усулларидан фойдаланилмоқда. Айримлар ўзини кўзи оғиз сифатида кўрсатиб, тиланчилик қилсалар, бошқа бировлар автомобил ёки кўчмас мулк фирибгарлиги билан, яна бошқалар эса ўзларини фолчи ёки сеҳргар, дея қийин аҳволга тушиб қолган одамлар ҳисобига бойлик орттиришмоқдалар. Кимлардир ҳақиқийсидан фарқлашнинг илоҳи бўлмаган қалбаки пулларни ўтказиш орқали, бундан ташқари, айнан фирибгарлик билан шугулланиш мақсадида ташкил этилган фирма, уюшма ёки турли фондлар орқали ушбу жиноятни содир қилмоқдалар.

Мулкни фирибгарлик йўли билан талон-торож қилишнинг анча кўп тарқалганлиги ва унинг жамиятга кўп миқдорда зарар етказиши ушбу жиноятга қарши курашни кучайтириш заруриятини келтириб чиқаради. Фирибгарликка қарши кураш борасида амалдаги қонунларни қўллашда жиноятнинг мураккаблиги сабабли баъзи қийинчиликлар туғилмоқда. Шунингдек, жиноятнинг турлича квалификация қилинишига олиб келмоқда. Буларнинг барчаси маълум даражада мулкка бўлган фирибгарона тажовузнинг қилма-қиллиги, фирибгарлики бошқа ўхшаш жиноятлардан фарқлаш қийинлиги билан ҳам боғлиқдир. Шунингдек, фирибгарлик "интеллектуал" жиноятлардан бири бўлиб, доимий равишда мулкни қўлга киритишда ишлатилмайдиган алдаш усуллари ўзгариб бориши туфайли уларни умумлаштириш ва таҳлил қилишнинг тақозо этади.

Фирибгарликнинг ижтимоий хавфлилиги мулкнинг турли шаклларида тажовуз қилиниши билан белгиланади. Мулкка қарши қаратилган бошқа жиноятлар (ўғирлик, талончилик, босқинчилик, товланмачилик, ўзлаштириш, ишонччи суиистеъмол қилиш йўли билан мулкни талон-торож қилиш қабилар) орасида фирибгарлик жинояти анча мураккабдир. Унинг ижтимоий хавфлилиги тажовузнинг нимага зарар етказганлиги ёки зарар етказиши мумкинлиги билан белгиланади. Мулкни эгаллашга қаратилган фирибгарликда, шу жиноят таркибини ўз ичига олган ҳаракатларни бошқа қонунчилик қилмишлардан фарқлаш қийин. Шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, бу жиноятнинг содир этилишида кўп ҳолларда жабрланувчиларнинг ўзлари ҳам фаол иштирок этадилар. Улар фирибгарликнинг жиноий-ҳуқуқий оқибатидан қўрқиб, жиноятнинг фош этилиши учун ҳаракат қилмайдилар. Жиноят тўғрисида тегишли жойларга хабар бермайдилар.

Фирибгарлик талон-торожнинг бир шакли бўлиб, унинг бошқа ўхшаш жиноятлардан фарқи шундаки, мулкнинг айбдор эгаллигига ўтишига унинг томонидан алдаш ёки ишонччи суиистеъмол қилиниши сабаб бўлади. Айбдор алдаш ёки ишонччи суиистеъмол қилиш йўли билан тасарруфда, бошқарувида хусусий, давлат ёки жамоат мулки бўлган шахснинг онгига, иродасига таъсир кўрсатади. Оқибатда алданган шахснинг ўзи ўз эрки-ихтиёри билан мулкни айбдор қўлига топширади.

Алдаш, ҳақиқатни бузиб кўрсатиш бўлиб, маълум фактларни, шароитларни, воқеаларни бузиб кўрсатиш, ҳақиқатни яшириш ёки ёлгон маълумотларни хабар қилиш ва бошқа шу каби қилмишларда ифодаланиши мумкин. Алдашнинг икки усули мавжуд: актив ва пассив. Актив алдашда фирибгар жабрланувчига ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни етказса, пассив алдашда жабрланувчига етказилиши лозим бўлган маълумотлар эълон қилинмайдиган.

[Давоми 7-бетда]

Жамиятнинг иқтисодий негизи

Давлат иқтисодиётининг равнақи мулкчилик муносабатларини самарали тартибга солишга ва мулкдорларнинг мулкий ҳуқуқи ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишга узвий боғлиқдир. Маълумки, мулкдор бўлиш ҳар бир шахснинг конституциявий ҳуқуқи ҳисобланади.

Дунёда кўпгина тараққий этган давлатлар тажрибаси шундан далолат берадики, аввало, ўзининг хусусий мулкига эга бўлган шахс ва бундай шахслардан иборат бўлган тоифа бу бойлиқни янада кўпайтиришга, ўзини ва оиласини боқишга, шу билан бирга, давлат ва жамият зиммасида бўлган вазифаларни амалга оширишга ўз ҳиссасини қўшади. Ва энг муҳими, ўз юртида тинчлик ва оқсоқилликни сақлаш ва ҳимоялашда астойдил жон қўйдилади.

Маълумки, жамиятнинг иқтисодий негизи сифатида мулк муҳим ўрин тутди. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасига асосан, бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устуңлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларидаги тенг ҳуқуқлигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди. Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг нормалари Фуқаролик кодексига янада ривожлантирилган тарзда ифодасини топган. Ушбу кодекснинг 207-моддасига кўра, хусусий мулк ҳуқуқи шахснинг қонун ҳужжатларига мувофиқ тарзда кўлга киритган мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқидир. Хусусий мулк бўлган мол-мулкнинг миқдори ва қиймати чекланмайдик. Бундан ташқари, Фуқаролик кодексининг 208-моддасида хусусий мулк ҳуқуқининг субъектлари белгиланган. Фуқаролар, ҳўхалик ширкатлари ва жамиятлари, кооперативлар, жамоат бирлашмалари, жамоат фондири ва давлатга қарашли бўлмаган бошқа юридик шахслар хусусий мулк ҳуқуқининг субъектлари бўлиб ҳисобланади. Фуқаролик кодексининг 209-моддасига кўра, қонун билан ман этилган айрим ашёлардан ташқари ҳар қандай мол-мулк хусусий мулк бўлиши мумкин.

Мустақил тараққиётимизнинг ўтган даври мубайнида ҳар бир шахс мулк ҳуқуқининг вужудга келиш асослари мазмунан бойиб бормоқда. Айниқса, тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари асосида юридик шахс ташкил қилиб ёки юридик шахс ташкил этмасдан фаолият юритишнинг кафолати яратилганлиги, фуқароларнинг банкка қўйилган омонатлари сир тутилиши ва мерос ҳуқуқларини амалга оширишда ҳуқуқий асослар мукамал ишлаб чиқилганлиги мулкдор бўлиш ҳуқуқи кафолатини яратмоқда.

Тадбиркорлик субъектларининг битим бўйича мол-мулкни олиш асослари муҳим ўрин тутди. Дарҳақиқат, тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятини амалга оширишда бир қатор шартномаларни тузишга ҳақлидир. Фуқаролик кодексининг 184-моддаси моҳиятидан аниқлаштирилган, мол-мулк олиш-сотиш, айир-бошлаш, ҳада қилиш шартномалари ҳамда қонун билан тақиқланмаган бошқа битимлар асосида мулк қилиб олиниши мумкин. Башарти, қонунларда бошқа қарбтиб кўрсатилмаган бўлса, мол-мулк янги мулкдорга ўтганида универсал ҳуқуқий ворислик тартибидеа собиқ мулкдорнинг ҳуқуқ ва бурчлари ҳам унга ўтади.

Мулкнинг ҳуқуқий мақоми деганда, мулкни эгаллаш, фойдаланиш ва уни тасарруф этиш бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган қоидалар йиғиндиси тушунилади. Мулкнинг ҳуқуқий ҳолати бир неча омилларга узвий боғлиқ. Хусусан, тегишли субъектга бириктирилган мулкнинг юридик титулига, қолаверса, ундан максатли фойдаланишга бевосита алоқадордир.

Ҳар қандай ҳўхалик фаолиятининг асосини мулк ташкил этади. Тадбиркор мулкни эгаллаш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқига эга. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 164-моддасига асосан, мулк ҳуқуқи шахснинг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек, ўзининг мулк ҳуқуқини қим томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузиш-ни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборатдир. Мулк ҳуқуқи муддатсиздир.

Кези келганда шуни айтиш керакки, фуқароларнинг мулкдор бўлиш имкониятлари кенгайиб бораётганлиги нафақат кўчар мулкларни, балки кўчмас мулкларнинг ҳам фуқаролик муомаласида иштирокини таъминлашга бевосита боғлиқдир. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари субъектлари ҳеч қандай чеклашсиз, қонун ва шартнома асосида иқтисодий, бошқача айтганда, мулкка эгалик туйғусини намоён этмоқда. Хусусан, мулкдорнинг маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ва хизмат кўрсатиш, ўз мулкни ижарага, иккилаччи ижарага, оператив бошқарувга ҳатто хусусий корхонасичи ижарага ёки мерос ҳуқуқи асосида бошқа шахсга қолдириш ҳуқуқи кафолатланган. Агар ўтмишда корхона мулк ҳуқуқининг фақат субъекти сифатида эътироф этилган бўлса, эндиликда хусусий корхоналар мулк ҳуқуқи объекти сифатида фуқаролик муомаласида иштирокининг доираси тобора кенгайиб бормоқда. Мулкнинг товар-пул муомаласидаги фаоллашуви

мулкдор бўлиш ҳуқуқини амалга оширишнинг реал имкониятини яратмоқда. Мулк бозор муносабатларининг муҳим таркибий элементидир. Мулксиз бозор муносабатларини шакллантириб ҳам бўлмайди. Иқтисодиёт хилма-хил шаклдаги мулклар асосида равнақ топади. Бозор муносабатлари иқтисодий фаолият ва манфаатдорлик асосида ривожланади. Тадбиркорлик фаолиятининг эркинлигини таъминлаш, энг аввало, уларнинг мулкка нисбатан эгалик туйғусини, бошқача айтганда, мулкдор бўлиш хоҳиширодини рўйбга чиқаришга чамбарчас боғлиқдир. Жамиятда мулкнинг муносабатларининг барқарорлигини ва мулкдорларнинг мулкнинг хавфсизлигини таъминлашдан туриб, тадбиркорлик фаолиятининг эркинлигига ҳам эришиб бўлмайди. Шу сабабли, мулкнинг эркинлиги ва тадбиркорлик эркинлиги бир-бири билан узвий боғлиқ. Бу дегани, жамиятда ҳар бир шахснинг мулкдор бўлиш ҳуқуқини амалга оширмасдан, уларнинг эркинлигини таъминлашдан туриб, иқтисодиётни тараққиёт этириш мушкул масаладир. Конституциявий нормалар иқтисодий фаолият ва тадбиркорлик эркинлигини кафолатлаш баробарида барча мулк шаклларидаги тенг ҳуқуқлигини ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини таъминлади. Чунончи, хусусий мулк ҳуқуқи дахлсизлигининг кафолатланганлиги мулкдор бўлиш ҳуқуқини ишончли ҳимоя қилиш воситаси бўлиб хизмат қилади. Мулкнинг дахлсизлиги ҳуқуқининг давлат томонидан ҳимоя қилиниши таъминланганлиги мулкдор бўлиш ҳуқуқини амалга оширишнинг муҳим кафолати бўлиб ҳисобланади.

Хусусий мулк дахлсизлигининг моҳияти шу билан изоҳланадики, мулкдор ўз ҳуқуқини мустақил амалга оширади. Мулкдорнинг мулкнинг ҳуқуқларини чеклашга ва уни бундай ҳуқуқдан маҳрум этишга йўл қўйилмайди. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкдан маҳрум этилиши мумкин.

Мулкдорнинг мулкнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, қолаверса, мулкдор бўлишнинг конституциявий кафолатлари уларнинг иқтисодий маданияти даражасини ошириши ҳам тақозо этади. Шу сабабли мулкдорлик, иқтисодий фаолият ва иқтисодий маданият тушунчалари узвий боғлиқ. Бинобарин, бозор муносабатлари шароитида мулкдорнинг ўз бойлигини янада кўпайтириши, ўзини ва оиласини боқиш учун иқтисодий маданиятга эга бўлиши улар манфаати учун хизмат қилади. Мулкдорнинг иқтисодий маданияти даражаси нафақат унинг ўз манфаати учун қолаверса, давлат ва жамият зиммасида бўлган вазифаларни ҳал қилишга қаратилганлиги билан ҳам тавсифланади. Мулкдор бўлиш ҳуқуқини амалга ошириш шахснинг иқтисодий фаолигини тақозо

этади. Шахснинг иқтисодий маданияти даражаси уларнинг фаоллашуви ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Шу маънода фуқароларнинг иқтисодий ва тадбиркорлик фаолияти бўйича амалий кўникмаларини шакллантириш, аниқсиз, қиллоқ жойларда истиқомат қилаётган ёшларни иш билан таъминлашда ҳам муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Мамлакатимизда ҳар бир шахс учун муносиб иқтисодий шарт-шароитларнинг яратилганлиги конституциявий кафолатларнинг амалда рўйбга чиққанлигининг ёрқин исботидир.

Шубҳасиз, мулкдор бўлиш ҳуқуқининг конституциявий кафолатлари жамиятда шахс омилини улуғлаш баробарида мустақил давлат таракқиёт учун хизмат қилади. Бу эса ўз навбатида, Конституциямизнинг том маънода ҳар бир шахснинг мулкнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини таъминлашнинг ҳуқуқий воситаси эканлигини ифодалайди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мулк ҳуқуқи соҳасида ҳам халқаро умумэтироф этилган норма ва қоидалар талабларига тўла мос келади. Хусусан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 17-моддасига кўра, "Ҳар бир инсон яқка ҳолда, шунингдек, бошқалар билан биргаликда мулкка эгалик қилиш ҳуқуқига эга. Ҳеч қим зўравонлик билан ўз мулкидан маҳрум этилиши мумкин эмас". Бундан ташқари, мазкур Декларациянинг 8-моддасига мувофиқ, "Ҳар бир инсон унга конституция ёки қонун орқали берилган асосий ҳуқуқлари бўзилган ҳолларда нуфузли миллий судлар томонидан бу ҳуқуқларнинг самарали тикланиши ҳуқуқига эга". Шунингдек, ушбу Декларациянинг 23-моддасига асосан "Ҳар бир ишловчи киши ўзи ва оиласи учун инсонга муносиб яшашни таъминлайдиган адолатли ва қонқарилли даромад олишга, зарур бўлганда ижтимоий таъминотнинг бошқа воситалари билан тўлдирилувчи даромад олиш ҳуқуқига эга".

Халқаро умумэтироф этилган нормаларнинг тизимли таҳлили далолат беришича, ҳар бир шахснинг иқтисодий эркинлигини таъминлаш улар мулкнинг ҳуқуқларини амалга оширишнинг муҳим шартидир.

Ҳар бир инсоннинг ишлаб маблағ топиш имкониятини қамраб оладиган меҳнат қилиш ҳуқуқи кафолати ҳам улар мулкларини яратиш ва кўпайтириш имконини беради. Мулкнинг ҳуқуқ ўз навбатида, шахснинг иқтисодий ҳуқуқини қамраб олади. Бошқача айтганда, ҳар бир шахснинг иқтисодий ҳуқуқи улар иқтисодий фаолияти эркинлигини таъминлаш ҳам назарда тутди. Шахснинг иқтисодий фаолият эркинлиги улар фаровонлиги таъминлашнинг муҳим гаровидир. Ўз навбатида, ҳар бир инсоннинг ўз иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишга қодир бўлиши мулкнинг ҳуқуқларини амалга оширишнинг муҳим кафолати бўлиб ҳисобланади.

Шухрат РЎЗИНАЗАРОВ,
юридик фанлар доктори,
профессор

Юртбошимиз Ислам Каримов таъбири билан айтганда, "Биринчи навбатда, хусусий мулкнинг ҳуқуқ ва ҳимоясини мустаҳкамлашимиз, ҳар қайси хусусий мулкдор қонуний йўл билан қўлга киритган ёки яратган ўз мулкнинг дахлсизлигига асло шубҳа қилмаслигини таъминлайдиган ишончли кафолатлар тизимини яратишимиз зарур. Ҳар бир тадбиркор, аввало, шуни аниқ-равшан билиб олиши керакки, давлат хусусий мулкдор ҳуқуқларининг ҳимоясидир. Шунинг учун ҳам тадбиркорлар ўз бизнесига беҳавотир инвестиция қилишни, ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтиришни, маҳсулот ҳажми ва олаётган даромадини кўпайтиришни, ўз мулкига ўзи эгалик қилиши, фойдаланиши, тасарруф этиши лозим. Аини шу мақсадда бозор иқтисодиётининг негизи ҳисобланган хусусий мулкка нисбатан давлат томонидан берилмаётган асосий кафолатларни мустаҳкамлашга қаратилган "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарур".

Мулк ҳуқуқининг мазмунини яна шу билан изоҳланадики, мулкдор ўз мулкнинг мулк эгаси сифатида умрбод фойдаланиши ва ўз мулк ҳуқуқини хоҳлаган вақтда тасарруф этиш ҳуқуқига эга. Мулк инсон учун ташвиш олиб келишининг олдини олиш мақсадида мулкнинг хавфсизлиги талабларига риоя этилиши ҳам зарурият қилиб қўяди. Шу маънода мулкдор бўлиш ҳуқуқининг кафолатлари у тўғрисида келиб чиқариши мумкин бўлган моддий ва маънавий зарарларнинг олдини олиш бўйича қоралар қўришни тақозо этади. Фуқароларнинг иқтисодий билим ва кўникмаларини шакллантиришда иқтисодий манфаат қўриш билан боғлиқ ҳар қандай таваккалчилик тўғрисида етказилиши мумкин ва эҳтимол бўлган оқибатларнинг олдини олиш уларнинг мулкка эгалик туйғуси барқарорлигини таъминлашнинг муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Жамиятда мулкнинг муносабатларнинг такомиллашуви нафақат мулкка эгалик туйғусини қарор топтириш ва уни асраб-авайлашни, балки уни сақлаш, хавфсизлигига риоя қилинишини таъминлашни ҳам талаб этади. Миллий қонун ҳужжатларини тизимли таҳлил қилиш нўқтаи назаринда мулкдор шахснинг хавфсизлиги ва унинг мулкига зарар етказишнинг олдини олиш ва ишончли ҳимоясини қучайтириш билан боғлиқ таъсирчан қораларни қўриш ҳамда мулк дахлсизлигини амалда таъминлашга эришиш, нафақат қонун ижодкорлик фаолиятининг, қолаверса, ҳуқуқни қўллаш амалиётининг асосий вазифаси бўлиб ҳисобланади.

Фирибгарлик — интеллектуал жиноят

/Давоми.
Бошланиши 5-бетда/



Фукаро 3. 2009

йил декабрь ойларида таниши К. билан келишиб, К. берган пластик карточкани фукаро Ш.га кўрсатиб, карточкадаги 28 млн. сўм пулни 85 фоизга нақдлаштириб, Ш.дан 24 млн. сўм нақд пул олади. Ш.га эса бошқа пластик карточкани қолдириб, уни алдаб кетишади. Ш.дан олинган пуллари эса ишлатиб юборишган. Фирибгарларнинг ҳаракатлари ЖК 168-моддаси 2-қисми "в" банди, 3-қисми "а" бандлари билан квалификация қилинган.

Бундан ташқари, бугунги кунда кенг тарқалган ва республикамизга ҳам кириб келган фирибгарлик усулларидан бири юқори ва замонавий технологиялар ёрдамида содир этилаётган фирибгарлик жиноятларидир. Интернет, уяли алоқа тизимларининг доимий равишда тақомиллашиб бориши бу соҳада содир этилаётган жиноятларнинг янги турлари пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда. Янги имкониятлар ва хизматлар, жумладан, электрон тижоратнинг пайдо бўлиши, пластик карточкалар ёрдамида ёки интернет орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоб ривожланмоқда. Буларнинг барчаси, илгари Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига маълум бўлмаган янги турдаги жиноятларнинг юзга келишига сабаб бўлмоқда. Юқори технологиялар фирибгарлик жиноятини содир этиш воситасига айланиб қолмоқда. 2005 йилда Бангкокда бўлиб ўтган БМТнинг жиноятларнинг олдини олиш ва одил судловни амалга оширишга бағишланган XI Конгресси асосий қисми юқори технологиялардан фойдаланиб, содир этиладиган фирибгарлик жиноятга бағишланганлигини ўзиёқ, бу иллатнинг бугунги кунда бутун дунёни ташишга солаётган ва ечимини кутаётган долзарб муаммо эканлигини кўрсатиб турибди. Конгрессда бутун дунё учун янги жиноятчилик — кибержиноятчилик ва унинг асосий элементи фирибгарлик эканлиги алоҳида таъкидланди.

Буларнинг барчаси фирибгарлик жиноятга хос бўлган зарурий белгиларни қайта кўриб чиқишни тақозо этади. Жумладан, фирибгарлик жиноятда мулк жиноятчига бевосита жабрланувчининг ўзи ёки мулк ишониб топширилган шахс томонидан "топширилади". Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2009 йил 24 июндаги "Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги Қарориди ҳам шунга ўхшаш фикр берилган бўлиб, унга кўра фирибгарлик ўзганинг мулкни ёки мулкка бўлган ҳуқуқини алдаш ёки ишончини суистеъмол қилиш йўли билан ҳақ тўламай ағдаллашда ифодаланган, бунинг таъсирида мулк эгаси ёки бошқа шахс ёхуд ваколатли ҳокимият органи мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга беради. Бунга мисол қилиб, 2011 йил 8 февраль кунги жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди томонидан апелляция инстанциясида қўрилган ишни келтириш мумкин. Иш ҳолатларига кўра,

дан ташқари, хорижий давлатларда ҳаккерлар кўплаб фирмаларнинг банкротлик ҳолатига келишига сабабчи бўлишган. Biblofind.com, Creditcards.com ва Egghead.com каби компания сайтлари ҳаккерлар томонидан бузилиб, мижозлар ҳақидаги маълумотлар, уларнинг кредит карта рақамлари олиниб, маблағлари ўзлаштирилиб юборилиши туфайли банкротлик ҳолатига келиб қолган. Frootz.com компаниясининг банкрот бўлишига эса айнан интернет фирибгарлиги сабаб бўлган.

Бундан ташқари, бугунги кунда мобил телефонлардан фойдаланиб содир этиладиган фирибгарлик жиноятлари ҳам омаллашиб бормоқда. Россиянинг "МегаФон" уяли алоқа компанияси томонидан берилган маълумотларга кўра, 54 мингдан ортиқ фукаро "мобил фирибгарлиги" қурбони сифатида компанияга мурожаат қилган. Сохта ютук ҳақидаги маълумотлар, банкдан қилинган сохта кўнғироклар ва шунга ўхшаш бошқа ёлғон маълумотлар этказиш орқали уларнинг бир неча миллионлаб пуллари фирибгарлик йўли билан олинган. Жиноятларни тергов қилиш натижасида жиноят қурбонларига 1,5 миллион рублдан ортиқ пуллар қайтариб берилган. "МегаФон" уяли алоқа компанияси бу фирибгарликлардан ўз мижозларини оғолантириш мақсидида 2010 йилдан бошлаб интернетда махсус лойихани ишга туширган. Лойихада фирибгарларга нисбатан қандай қаршиллик кўрсатиш мумкинлиги ёритилган.

Юқори технологиялардан фойдаланиб содир этиладиган фирибгарлик одатда кўпчиликнинг шахсий мулкни бир вақтингиз ўзида ўзлаштириб олишни мақсад қилиши билан хавфли тус олади. Бундай фирибгарлиқни "оммавий содир этилган фирибгарлик", деб аташ ҳам мумкин. Жиноят қўнида (ЖКнинг 168-м.) жинойт жавобгарлик кўпроқ етказилган зарарнинг микдор қийматига нисбатан белгиланган. Бир неча шахсга нисбатан содир этиладиган ҳолда, ҳар бири алоҳида-алоҳида жиноятлар ҳажми тарихида квалификация қилинади. Оммавий тарзда фирибгарлиқни содир этиш ҳар бирининг алоҳида-алоҳида квалификация қилинишидан кўра хавфлироқ ҳисобланиши керак. Қўнунга жазонинг, айниқса, оғирлаштирувчи тури сифатида жавобгарлиқнинг қиратилиши, ўшбу шаклдаги фирибгарликка тўғри баҳо бериш имконини бериши мумкин. Оммавий тарзда содир этиладиган фирибгарлик тўшунчасининг Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2009 йил 24 июндаги "Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги Қарориди таърифлаб берилиши, судларнинг ўшбу шаклдаги фирибгарлик жиноятларини квалификация қилиш амалиётида амалий манба сифатида ёрдам беради.

Буларнинг барчаси ҳозирги технологиялар ривожланган даврда фирибгарлик жинояти ва унинг белгиларини, жиноятларни аниқлаш ва тергов қилишнинг янги усуллари ишлаб чиқишнинг тақозо этади.

Анча йил Нарпай туман Давлат архивида катта архивчи вазифасида ишлаган Қомил Отамуродов атрофида нафс йўлида ҳеч нарсдан тап тортмайилганларини тўплағач, ҳужжатларини қалбақлаштириш йўли билан анча-мунча кишини вақтидан илгари нафақага чиқариб юборди.

Илгарироқ нафақага чиққанлар

Азим САТТОРОВ,

Нарпай туман прокурорининг ёрдамчиси

"Фукароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддасига кўра: "Ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқи эркаклар 60 ёшга тулганда ва иш стажлари камида 25 йил бўлган тақдирда эга бўлади", деб белгиланган бўлса-да, у 1950 йил 6 ноябрда туғилган Э.Каттаевнинг фукаролик паспорти нусхасидаги санани 1949 йил 6 июнь қилиб ўзгартирди. Тумандаги "А.Расулов" номли маҳалла фукаролар йиғинидан "Каттаев Эргаш 1949 йилда туғилган" деган сохта маълумотнома олинган, ёлғон маълумотлар акс эттирилган ўшбу ҳужжатлар туман ижтимоий таъминот бўлимига топширилди ва нафақа тайинлаш комиссияси томонидан Э.Каттаевга 2009 йил 6 июндан умрбод ёшга доир нафақа тайинланди. Шу тариқа Э.Каттаев сохта ҳужжатлар асосида 2010 йилнинг ноябрга қадар 3 млн. 421 минг 627 сўм нафақа пули олиб келди.

К.Отамуродов бундан ташқари, Н.Мамадиярова билан келишиб, О.Бекназаровага ҳам муддатидан беш йил олдин пенсия тайинланишига эришди. Юқорида қайд этилган қўнунда, "Ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқи аёллар 55 ёшга тулганда ва иш стажлари камида 20 йил бўлган тақдирда эга бўлади", дея белгиланган бўлса-да, О.Бекназарова сири фош бўлгунга қадар 1 млн. 901 минг 383 сўм нафақа пули олди. Ижтимоий таъминот бўлимидаги ҳамтовоклари билан тил бириктирган туман архивчиси энди пора эвазига кишиларнинг ҳолатини чиқара бошлади. Вақтидан олдинроқ пенсия олишни истаган Ю.Турапов ҳам сохта ҳужжатлар асосида нафақа тайинланишига эришди. У 2010 йилнинг ноябрга ойига қадар 3 млн. 190 минг 995 сўм микдорда нафақа пуллари олиб келди.

Буни қарангки, сохта ҳужжатлар билан кишиларни нафақага чиқаришда К.Отамуродовдан бошқа устаси фаранглар ҳам бор экан. Нарпай тумани Оқтош шаҳрида истиқомат қилувчи Александр Ан ана шундайлардан бири бўлиб қичди. У 1949 йил 1 октябрда туғилган Н.Мусадовнинг паспорт нусхасидаги ёзуви "1947 йил 1 октябрь", дея сохташлатиб, меҳнат дафтарчасидаги санани ҳам 1947 қилиб ўзгартирган ва маҳалладан сохта маълумотнома олиб, Н.Мусадовни вақтидан аввалроқ нафақага чиқаришга "ёрдам берган".

Александр Анга мурожаат қилган Р.Хусанов ҳам пенсия ёшига етмаган бўлса-да, беш йил олдин нафақага чиқшига ёвулфақ бўлди. Унга ҳам сохта ҳужжатлар асосида туман ижтимоий таъминот бўлимидан нафақа пули тайинланган.

Кўза кунда эмас, кундагина деганларидек, бу каби сохталар ортидан пул топаётганлар ҳам суднинг қора қурсисига ўтиришди ва уларга нисбатан тегишли жазо тайинланди.

Ишонч телефонлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти, назорат қилувчи ва лицензия берувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектларига рухсатномалар бериш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, қурилишга рухсат бериш, кадастр орқали расмийлаштириш ва бинолар ижараси учун тўлов микдорини белгилашда қўнубузилиш, бюрократик тўсиқликлар ва сансалорликларга йўл қўйилган тақдирда, Сиз тадбиркорлар ўз ҳуқуқларингизни ҳимоя қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валюталар оид жиноятларга ва жинойт даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар прокуратураларининг қуйидаги "Ишонч телефони" рақамларига ёки "007" қисқа рақамига қўнғироқ қилишингиз мумкин.

№	Прократура органлари	Ишонч телефонлари
1.	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси	Код: 8371 232-43-91 232-45-40
2.	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖДИКК Департаменти	Код: 8371 233-84-20
3.	Андижон вилоят прокуратураси	Код: 8374 224-06-09
4.	Бухоро вилоят прокуратураси	Код: 8365 223-74-79
5.	Жиззах вилоят прокуратураси	Код: 8372 226-09-62
6.	Қашқадарё вилоят прокуратураси	Код: 8375 221-07-82
7.	Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси	Код: 8361 222-26-39
8.	Навоий вилоят прокуратураси	Код: 8436 225-07-17
9.	Наманган вилоят прокуратураси	Код: 8369 226-23-02
10.	Самарқанд вилоят прокуратураси	Код: 8366 235-07-34
11.	Сирдарё вилоят прокуратураси	Код: 8367 223-38-22
12.	Сурхондарё вилоят прокуратураси	Код: 8376 220-20-36
13.	Тошкент шаҳар прокуратураси	Код: 8371 273-74-81
14.	Тошкент вилоят прокуратураси	Код: 8371 277-76-18
15.	Фарғона вилоят прокуратураси	Код: 8373 271-12-26
16.	Хоразм вилоят прокуратураси	Код: 8362 227-45-71

Бундан ташқари, фукароларнинг илтимос ва мурожаатларини қўндалик навбатчилик асосида қабул қилиш бўйича барча туман-шаҳар прокуратураларида ишонч телефонлари ташкил этилган.

Сизнинг ҳуқуқ ва қўнуний манфаатларингиз тезкорлик билан ҳимоя қилиниши таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси

Эрни эр қиладиган ҳам...

— Собир, сенмисан? Ким эканлигимга қизиқмай, гапларимни қолоғинга яхшилаб қўйиб ол. Хуллас, сени қандай яшашиг менга яхши маълум. Сеникида бўлганам, уйингни олдида картошка солинган қоплар тахлаб қўйилган, тўғрими? Гапимни бўлма! Агар онанг менга яхшилик қилмаганида, сени аллақачон йўқотиб юборган бўлардим. Биласаним, сенда ҳамма нарса бор, менда эса шуларнинг ўндан бири ҳам йўқ. Шунинг учун менга 10 минг доллар берасан, тушундингми? Пулни олганимдан кейингина сени ўз ҳолингга қўяман...

Собир (исм-фамилиялар ўзгартрилган) телефонни учирар экан, донг қотиб қолди. Тавба, ким бўлди бу одам? Нимага унга кўнғирок қилиб, бунақа оҳангда гаплашди? Нима учун бегона бир одамга шунча пул бериши керак? Она-сининг нима алоқаси бор? Тавба?

У ҳозиргина телефон орқали эшитган гапларни таҳлил қилмоқчи бўлди-ю, аммо ҳар қанча ўйласа-да, ўйига етолмади.

Орадан кўп ўтмай, ўша одам яна кўнғирок қилди. Бу сафар Собирнинг ростмона жаҳли чиқди. Бир тийн ҳам бермаслигини, қўлидан келганини қилишини айтиб, телефонни ўчирди. Бу ҳолат яна уч-тўрт

марта такрорлангач, номаълум одам пул миқдорини 5 минг долларга туширди. Собир нима учун унга пул бериши кераклигини сўраган эди, "ҳожатхона деворига осилган сумкани очиб кўр, шундан кейин нега пул беришинг кераклигини тушунасан", деган жавоб олди. Бу гапдан шубҳаси ортиб, шу заҳоти икки қўшинини чақиртирди-да, ўша жойга бориб, айтилган сумкани очиб кўрган эди, скотч билан ўралган қоғоз ўрамига кўзи тушди. Айни шу пайт унинг телефонни яна жиринглаб қолди. Кўнғирок қилган ўша одам бўлиб, у "Хўш, топдингми? Агар пулни бермасан, умринг камоқда ўтади", дея гапни қисқа қилди.

Бу ҳолатдан боши қотиб, бутунлай довдираб қолган Собирга қўшиллар ёрдамга келишди. Уларнинг маслаҳати билан тегишли органга мурожаат қилиб, топиб олган нарсани кўрсатди. Маълум бўлишича, қоғоз ўрамидаги оқ кукун оддий ўн экан. Шундан кейин тезда оператив режа ишлаб чиқилиб, унга тегишли кўрсатмалар берилди.

Эртаси куни номаълум шахс яна кўнғирок қилиб, пул ҳақида гап очди. Собир атғи 3 минг доллар тўплай олганини айтиб, қаерга олиб бориши кераклигини сўраган эди,

Ражаб АБДУЛЛАЕВ,
Сурхондарё вилоят
прокуратураси бўлим бошлиғи

"Дехқон бозори" ёнидаги дўкон олдида кутиб турибман. Тезда етиб кел", деган жавобни эшитди. Шу заҳоти ҳолислар иштирокида баённома тузилиб, Собирга махсус ишлов берилган пуллар берилди.

Шундай қилиб, "операция" бошланди. Собир манзилга етиб келиши билан телефонига сақланиб қолган рақамга кўнғирок қилган эди, бозорнинг орқа томонидаги ҳожатхона томон юриш ҳақида буйруқ олди. У айтилган жойга энди келган ҳам эди, яна кўнғирок бўлиб, телефондаги овоз ҳожатхона деразасига яқин туришни, пулни шу ердан олишини айтиди. Собир бу хабарни эшитиб, бир четда турган тезкор ходимларга имо қилган эди, улар юзма-юз учрашганда бераман, деб айтингиз кўрсатма беришди. Аммо у "уйин" қилаётган номаълум шахсининг қилганини билишига шу даражада қизқарган эдики, кўрсатмани ҳам унутиб, ишлов берилган пуллар ўрнига ўзининг ёнидаги қоғозга ўралган 38 минг сўм пулни дераза орқали узатди. Ўша ондаёқ, қиқарибдан аёл кишининг ич-кўринди-ю, пулни шартта

олиб, ғойиб бўлди. Собир ходимларга хабар қилиб, то улар ҳожатхонани айланиб ўтгунарча, у ерга анча-мунча аёллар кириб-чиқгани босиб, пулни олган қўл эгасини аниқлашнинг иложи бўлмади.

Шу куни тушликдан кейин яна Собирга телефон қилишди. — Ув, менга қара, мен билан ўйнашайсанми? Доллар ўрнига сўмни ўтказмоқчи бўлдингми?

Собир унинг дағдағасини эшитиб бўлгач, юзма-юз кўришмагунча, пуллари бермаслигини, бу сафар ўзининг айтгани бўлишини таъкидлаб, сомсахона рўпарасига келишни тайинлади.

— Яхши, розиман. Фақат мен машинада бораман-у, ундан тушмай, пулни сендан олиб кетаман.

Кўп ўтмай тезкор ходимлар кузатувидаги Собир яна йўлга отланди. У белгиланган ерга етиб келгач, кўп ўтмай такси машинаси пайдо бўлиб, у турган ерга келиб тўхтади. Орқа ўриндиқда ўтирган ёшгина йигит машина ойнасини тушириб, пулни сўраган заҳоти Собир икки қўли билан унинг ёқасига ёпишди. Ишининг бундай тус олишини кутмаган йигит, "Машинани тезроқ ҳайдаг, менга ҳужум қилаяпти", деб хайдовчиға бақирган эди, у шоша-пиша газни босди...

"Бузоқнинг югургани сомон-хонагача" деганларидек, Собирдан пул талаб қилган йигит ўтирган машина тезда тўхта-тилди.

Терговолди суриштирувларидан маълум бўлишича, товланмачи йигит қўшни қишлоқда яшовчи Рустам Бахриев бўлиб, бу ишга хотинининг кўрсатмаси билан жазм этган экан. Хотини ҳам бор гапни яширмай, қўшни маҳаллада истиқомат қилувчи Собир Хайдаровнинг пули борлигини билганлигини, телефон орқали уни кўрқитиб, пул сўраш фикри пайдо бўлгач, эрини шу ишни қилишга ундаганини айтиб берди. Дарвоқе, ушбу ишни амалга оширишда у ҳам бевосита иштирок этган экан. Жумладан, Собирнинг уйига бориб, пакетга ун ўралган қоғозни солиб қўйган ҳам, бозор орқасидаги ҳожатхона деразасидан пулни олган ҳам айнан Рустамнинг хотини Моҳира Бахриева бўлиб чиқди.

Шундай қилиб, бир фуқарога телефон орқали таҳдид қилиб, ундан пул талаб қилган эр-хотин товланмачиларнинг қилмишлари фош этилиб, суд томонида уларга тегишли жазо тайинланди. Ваҳоланки, эндиғина 23 ёшни қоралаган Р.Бахриев, мустақил ҳаётга қадам босганига ҳали унча кўп бўлмай туриб, бирор касб-корнинг бошини туттиш ўрнига, жиноятга қўл уриб ўтирибди. Моҳира-чи, ахир, "Эрни эр қиладиган ҳам, қора ер қиладиган ҳам хотин", деб айтилган бўлса-ю, у эрини ҳалол меҳнат қилиб, оила тебатишга даъват қилиш ўрнига жиноятга бошла-ди? Энди, афсус чекишдан ўзга чора йўқ.

Тубанлик

Ахлоқсизлик сари қўйилган қадам ҳар қандай оламни тубанлик ва жаҳлат сари бошлайди. Жаҳлат эса, охир-оқибат оғир жиноятларга сабаб бўлади. Ҳали йигирма тўрт ёшга ҳам бўлиб уларнинг содир этган оғир жинояти учун узоқ йилга озодликдан маҳрум этилган Отабек Худойбердиев (исм-фамилиялар ўзгартриб берилмоқда)нинг қилмишлари бугага мисол бўла олади.

Одатда қунарнинг бирида ишдан қайтаётган Отабек бекатда турган 18-20 ёшлардаги қиз билан танишиб қолади. Қизнинг шармисиз нигоҳлари, ўзини тутишидан унинг ҳаёли, тарбия кўрган қизлардан эмаслигини тушунган йигит уни "интириш" пайига тушади. Аммо ўзи унинг тузоғига илинганлиги ҳаёлига ҳам келтирмайди. Хуллас, енгил-елли ҳаёлларда юрган йигит билан қиз танишиб, телефон рақамларини алмашадилар.

Телефондаги узундан-узоқ суҳбатлар, пинҳона учрашувларга уланиб кетади. Тийиксиз хисларини жиловлый олмаган Отабек ва Гулмира учун бу учрашувлар одат тусига киради. Аммо бора-бора хилват жойлардаги учрашув-

Барно ДАДАХУЖАЕВА,
Тошкент шаҳар прокуратури ёрдамчиси

лар йигитга малол кела бошлайди. Сабаби, энди қиз ундан очикдан-очик пул талаб қила бошлаган эди.

Отабек эсини йиғиб олганида Гулмиранинг тузоғига тушиб қолганини тушунади ва ўзини ундан олиб қоча бошлайди. Бирок, Гулмира тинимсиз таъқиб қилиб, пул талаб қила бошлагач, Отабек ундан қутулиш чораларини қидириб қолади. Қиз яхшиликча ажрашишга кўнмагач, қалтис қарорга келади ва режа тузади. Телефонда унга тўхтовсиз ҳақорат ёғдирган Гулмирани ўзлари илгари пинҳона учрашиб юрган жойга қақиради. Унинг мудҳиш режасидан беҳабар Гулмира айтилган жойга етиб келади. Инсоний қийфасини йўқотган Отабек ўзи билан олиб келган бигиз ёрдамида уни ваҳшийларча ўлдирди.

Қотилликка қўл урган йигит жиноят изларини йўқотишга ҳарчанд уринмасин, жазодан қочиб қутула олмади. Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг ҳукми билан О.Худойбердиев узоқ-кесил 20 йилга озодликдан маҳрум этилди. Қилмиш — қидирмиш, деганлари шу бўлса керак.

Ш.ОБИДОВ,

Тошкент вилоят прокуратураси
терговчиси

кунанда ҳашаротлардан "МГЗРП" кимёвий воситаси ёрдамида зарарсизлантирилганига тўғрисида сохта маълумот ва ёзувлар киришиб, ҳужжатлари қалбақлаштирилди.

Қинғир ишининг қийғи чиқиб, енгил даромад олинмидаги икки шерик жиноят устода қўлга олинди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонида ўтказилган тезкор тадбирда Н.Маликов ва М.Ниёзовлар А.Исмоиловдан 200 АҚШ долларлари ҳамда 140 минг сўм пул талаб қилишди. "Балиқ" уларнинг шартига кўнғач, 2009 йил 7 ноябрь куни А.Исмоилов тадбиркорлик субъекти бўлмасда-да, расмий ҳужжатлар ҳисобланган фитосанитария ва зарарсизлантириш далолатномаларида уни хусусий тадбиркор "Исмоилов Абдурауф Хайтбоевич" дея кўрсатиб, унга тегишли 10 тонна ерён-ғоқ ҳамда шу маҳсулотни олиб келишга мўлжалланган автомашина турли хил зарар-

Киракашлик билан шуғулланиш мақсадида автобус сотиб олиш учун 2008 йилнинг июнь ойида таниши И.Тўхсанов билан Қозғистонга борган Ф.Мўминов божхона тўловлари ҳақида эшитиб, ўйлаб қолди. Аммо бир таниши автобусни қисмларга бўлиб олиб ўтишни маслаҳат берган эми, маълум келди.

Хуфрийёна кирган автобус

Шундай қилиб, у 1989 йилда ишлаб чиқарилган "Мерседес Бенц 0303" русумли автобусни сотиб олди. Транспортнинг кузови ва агрегатларини алоҳида қилиб, қисмларга бўлиб беришди. Харажатларни тежаш мақсадида мазкур кузовни расман олди-сотиш шартномаси асосида сотиб олган қилиб, И.Тўхсанов номига расмийлаштириди-да, "Бухараэкспертиза" шўбага қорхонаси орқали халқаро таъкиб итисодий фаолият товарлар номенклатураси қодини белгиллаб олишга эришди. Товар номини бузган ҳолда, қалбақи ҳужжатлар — маълумотнома ва экспертиза хулосасини ТИФ "Қорақўл" божхона постига тақдим этди. 13 млн. 915 минг 381 сўм ҳисобланган бож тўловларини шахсан ўзи тўлади. Автобуснинг қолган қисмларини эса айланма йўллар орқали республикамиз ҳудудига олиб кирди.

Энди, автотранспортдан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларга қонуний тус бериш керак эди. Бунинг учун Қорақалпоғистон Республикаси Эллиқалъа туманидаги "Рейимбойтранс" хусусий фирмасидан 1978 йилда ишлаб чиқарилган двигатель, шасси рақамсиз, давлат рақам белгиси 23 АК 458 "Даймлербенц" русумли яроқсиз автобусни 100 минг сўмга харид қилиб, Ўзбекистон тўлиқ ТРИБдан шу улов учун бошқа давлат рақами белгиси олди. Сўнгра Ўзбекистон Республикаси ИИБ ИХХ Бош бошқармасига мурожаат қилиб, "Даймлербенц"нинг кузовини алмаштириш учун рухсат олиши билан "Мерседес Бенц 0303"нинг бирламчи детал ва агрегатларини ўзи уйд-да ёлланма усталар ёрдамида йиғиб, автобусни тўлиқ холи-

Абдулло ТўРАЕВ,
Ўзбекистон тўлиқ
прокуратураси терговчиси
Меҳринисо ХУСАИНОВА,
журналист

га келтирди. Кейин эса, тегишли жойларга сохта ҳужжатларни тақдим этиб, алдов йўли билан автотранспорт воситасини қайт этиш гувоҳномасини олишга эришди.

Ҳолбуки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 14 декабрдаги 531-сонли Қарори талабларига қара, 2007 йилнинг 1 мартидан бошлаб, "М2", "М3", "№2" тоифалардаги фойдаланилган автотранспорт воситаларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш тақиқланган эди.

Кўп ўтмай хориж автобусининг сири фош бўлди. Божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини талабларини бўзиб, тақиқланган автотранспортни яширин йўллар билан республика ҳудудига олиб кириб, 177 млн. 175 минг 031 сўмлик бож тўловларини тўлашдан бўйин товланган Ғолибжон Мўминов ЖКНнинг тегишли моддасига асосан, икки йил муддатга тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, ойлик иш ҳақининг 30 фоизини давлат даромадида ушлаб қолиш шарти билан уч йилга ахлоқ тўзатиш ишлари жазосига тортилди.

Шунингдек, жиноят иши юзасидан тўлашни лозим бўлган солиқ тўловлари тўлиқ ундирилгандан бўлди, ашёвий далил сифатида олинган, "Мерседес Бенц 0303" русумли автобус эса давлат эгалигига ўтказилди.

Қинғир ишнинг қийғи чиқди

Базиллар лавозим ёки мансабни зиммага юлганган улкан масъулият эмас, ноконуний даромад орттириш манбаи, деб ҳисоблайдилар-да, охир-оқибат ҳа-тога йўл қўйиб, бошлари де-ворга теккан, афсус-надомат чекишди. Нурбек Маликов билан Махмуд Ниёзовлар (исм-фамилиялар ўзгартрилган) ҳам мансаб сохтакорлиги ва пора олиш каби жиноятларни содир этиб, суднинг қора курсисига ўтиришди.

Энди уларнинг қандай лавозимларда фаолият юритгани-ю, жиноий қилмишлари хусусида маълумот бериб ўтас: Н.Маликов Тошкент вилоят Давлат ўсимлик карантин инспекцияси етакчи мутахассиси. М.Ниёзов эса ушбу инспекциянинг агроном-фумигатори лавозимларида ишлаган.

2009 йилнинг 2 ноябрь куни Тошкент вилоят Давлат ўсимлик карантин инспекциясига мурожаат қилган фуқаро Абдурауф Исмоилов Қозғистон Республикасига 10 минг кило-

Суперфирибгар ва унинг шериклари

Азалдан инсонлар ишончини қозониш ва ўз наватига бошқаларга ишонч билан қараш олижаноблик белгиси саналган. Шу бонс бўлса керак, рисоладаги одамлар атрофидагилар билдираётган ишончини оқлашга, уни йўқотмасликка интилиб яшайди. Шу билан бирга, одамлар ўртасидаги ўзаро ишонч туйғусини суниестемол қилиб, мол-дунё, сохта обрў орттириш дараида юрганлар ҳам барча замонларда бўлган. Жумладан, сизу биз яшаётган бугунги кунимизда ҳам.



кўртдай санаб берди. Ва шу билан унинг сарсонгарчиликлари бошланди.

Ҳожианварнинг "эрта-индинлари" билан ойлар ўтиб кетди. Сабр қосади тўлган Б.Абдуллажонов пулни қайтаришни талаб қила бошлагач, Ҳожианвар бошқа таклиф билан келади:

— Иш ўхшамай турибди. Биланман, менга ишонмаяпсиз. Юринг, сизга уйимни кўрсатаман, — у шундай деб Б.Абдуллажоновни эргаштириб, шу яқин ўртадаги бир уйни кўрсатди. — Мана шу менинг уйим, кидирсангиз шу ердан топасиз. Ҳўп десангиз, сизга битта "Матиз"ни ишончнома билан бериб тураман. Бемалол миниб юраверасиз. Машина "ёшига тўлган", яъни бир йилдан сўнг номингизга расмийлаштириб бераман. Устига минг доллар, нотариус харажатлари учун 250 минг сўм берсангиз етади.

Начора. Пулига қўйиб қолишдан кўра, шуниси маъкул. Б.Абдуллажонов рози бўлди.

Нотариал идора сари равона бўлишди. Маълум бўлишича, Ҳожианвар таклиф қилаётган куларанг "Матиз" Малюхат Мирвалиева деган аёлга тегишли экан. Аммо нотариусда ижара шартномасини расмийлаштириш жараёнида М.Мирвалиева иштирок этмайдди. Бунга ҳам кўз юмган Б.Абдуллажонов орадан бир йилча вақт ўтиб, "Мега Инвест" кредит уюмаси ходимлари кириб келганидагина ростакамига чўч тушганини тушуниб этади.

Маълум бўлишича, Ҳожианвар Б.Абдуллажоновга ижара шартномаси асосида берилган "Матиз"ни кредит уюмасига гаровга қўйиб, М.Мирвалиева номига икки йил муддатга 72 фоиз йиллик устамас билан 8 млн. 500 минг сўм кредит олган ва қўйиб бўлган. Турган гапки, кредит уюмаси ходимлари бунга "ҳазиларини" тушунмайдди. Автоматик кредит уюмаси томонидан олиб қўйилади. Шу тариқа Б.Абдуллажонов 11 минг 500 АҚШ доллари ва 250 минг сўмга қўйиб қолаверган.

Биргина афера билан мўмайгина пулга эга бўлган Ҳожианвар Зокиров кўрдики, меҳнат қилмасдан, одамларни алдаш билан ҳам "тирикчилик" қилса бўлар экан. Энди у каттароқ ишларга қўл уришни режа қилди. Бунинг учун унга жиний шериклар керак бўлар эди, албатта. Шериклар ҳам даровс топила қолди. Ёшгина бўлса-да, "кўча кўрган" Равайн Ҳановни ўзига шерик қилишга қарор қилди. Равайн ўз наватига деб зоминлик нотариус Жўрабой Салимов билан таништирди.

Фирибгар зоти бор экан, уларга алданадиганлар ҳам, албатта топилади. Бўлмаса, М.Абдуғаппоровдай ишбилармон одам "Нексия донс" русумли автомашинаси ўрнига "Шевро-

лет оптра" олиб бераман деган Ҳожианварга машинани ҳужжатлари билан, бунинг устига яна 5 млн. 700 минг сўм қўшиб бериб юборармиди?

Жиний гуруҳ режасига кўра, М.Абдуғаппоровга тегишли "Нексия донс" Зомин туманидаги Ж.Салимов катта нотариус бўлиб ишлаган нотариал идорада М.Абдуғаппоровнинг иштирокисиз сохта олди-сотди билан фуқаро Ш.Эгамов номига расмийлаштирилади. Сўнг ушбу сохта ҳужжатлар ИИББ ЎХБга топширилиб, автомашина Ш.Эгамов номига тўлиқ расмийлаштирилади, янги давлат рақами олинади ва фуқаро Н.Раҳмоновга сотиб юборилади. Шу тариқа янги "Шевролет оптра" умидида юрган М.Абдуғаппоров 14 минг 500 АҚШ доллари ва 5 млн. 700 минг сўмга чўч туширилади.

Аммо "Нексия донс" афераси бу билан ҳам ақун толмайди. Энди машинани сотиб олган Н.Раҳмонов нишонга олинади. Ҳожианвар уни алдаб, ишончига кириб шунга эришадик, ушбу автомашина "Osioy trust" кредит уюмасига гаровга қўйилади. Ундан ҳам қизиги 60 фоиз устамаси билан олинган 10 млн. 800 минг сўм пул яна бир содда фуқаро Т.Холматов номига олинади. Охир-оқибат, кредитга олинган пулнинг 8 млн. сўми тўланмай Т.Холматовнинг бўйнида қолиб кетади.

Бунгача эса, Ҳожианвар "Нексия донс"ни М.Раҳмоновга сотганини билдирмасдан фуқаро Б.Муллаевга 5 минг АҚШ доллари ва 2 млн. 550 минг сўмга сотиб юборади. Тушуниб турганингиздай, арзон гаровга "Нексия"ли бўлган Б.Муллажоновнинг қувончи узокча чўзилмайди.

Ж.Салимов ишлаган нотариал идорада жиний гуруҳ томонидан "расмийлаштирилган" сохта ишончнома, олди-сотди шартномаларининг барчасига тўхталиб ўтирмайлик-да, Ҳожианварнинг кредит уюмалари билан боғлиқ қинғирликларига эътибор қаратайлик.

У ўзининг номида бўлган иккита "Лада-21074" русумли автомашиналарни "Osioy trust" кредит уюмасига гаровга қўйиб, 20 млн. сўм нақд пулни қўлга киритган у кейин қорасини кўрсатмай кетган. Бу "ишлар"га шу қадар киришиб кетган Ҳожианвар бегонани эмас, ўз қуёви Б.Қобиловни чўч туширишдан ҳам ўзини тийиб тура олмаган экан. У Б.Қобиловни алдаб, унинг номига бир неча кредит уюмаларидан (автоматиналарни гаровга қўйиб) миллионлаб сўм кредитлар олиб, қайтаришга келганда бошқаларни баалоғардон қилиб юраверган. Ким нима дейди? Кредит бошқанинг номига олин-

ган бўлса... Олинган кредитни қайтаришдан бўйин товлашни одат қилиб олган Ҳожианвар ҳатто ўзининг турмуш ўртоғи номига олган кредитни қайтаришни ҳам ўзига эп кўрмаган.

Пойтахтликларни алдашдан зериккан чоғи, у кредит уюмада гаровда турган ўзига тегишли "Ваз-2107" русумли автомашинани зоминлик К.Зиёевга пулини бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотиб юборган. Кредит уюма ходимлари эса кредит қайрилмагач, автомашинани К.Зиёевдан олиб қўйишган. 2 минг 900 АҚШ долларида турган К.Зиёев чапак чалиб қолаверган.

Кейинроқ у жиний шерикларининг кўмагида зоминлик З.Маматовани ҳам 17 минг 800 АҚШ долларида тушириб кетган. Яъни шу суммадаги мебел ва бошқа буюмлар эвазига иккита "Нексия" олиб беришни ваъда қилиб, савдогар аёлни алдаб кетган.

Жиний гуруҳ аъзолари шу тариқа — фирибгарлик, ҳужжатларни сохташатириш орқали фуқаро П.Йўлчиевни 3 минг 600 АҚШ долларида, Б.Эшқуловни 11 минг АҚШ долларида чўч туширишган.

Кўп ўтмай жиний гуруҳга Арнасой туманидаги нотариал идорада нотариус бўлиб ишлаган Зиёдулла Турдибеков ҳам қўйилган. Жиний гуруҳ аъзолари З.Турдибеков ёрдамида сохта ҳужжатлар билан фуқаро С.Солиховга тегишли "Матиз" автомашинасини сотиб юбориб, жабрланувчига 18 млн. сўм миқдорда моддий зарар етказишган.

Шу тариқа улар фуқаро М.Набиевга 7 минг 100 АҚШ доллари, О.Худойбердиевга 20 млн. сўм, А.Алимовга 7 млн. 200 минг сўм, К.Товшевга 10 минг 100 АҚШ доллари миқдорда моддий зарар етказишган.

Харом пул дардида уюшган жиний гуруҳ аъзолари марҳумлар руҳини ҳам тинч қўйишмаган экан. Нотариус Ж.Салимовнинг "уддабурунлиги" билан улар оламдан ўтиб кетган Ш.Ибодуллоев номидаги "Нексия сонс" русумли автомашинани сохта олди-сотди шартномаси билан Ҳожианвар Зокиров номига расмийлаштириб, кейин бошқа шахсга сотиб юборишган.

Булар билан ҳам қаноатланмаган фирибгарлар фуқаро Н.Юсуповга тегишли "Нексия донс" автомашинасини ҳам алдаш йўли билан ўзлаштириб олишган.

Шунингдек, фуқаро О.Қосимовга тегишли "Хундай аванте" русумли автомашинани сохта ҳужжатлар билан сотиб юбориш орқали жабрланувчига 40 млн., худди шу усулда Б.Абдунаимовга 40 млн. сўм моддий зарар етказишган. Бундан ташқари, жиний гуруҳ аъзолари Б.Абдунаимовга унга тегишли бошқа автомашиналарни ҳам сохта ҳужжатлар орқали сотиш, кредит уюмаларга гаровга қўйиш орқали 61 млн. 400 минг сўм ва 19 минг АҚШ доллари миқдорда моддий зарар етказишган. Тўланмай қолган кредитларни гапирмаса ҳам бўлади. Айнан Б.Абдунаимовга тегишли "Хун-

Бахтиёр АҚРОМОВ,
Яккасарой туман прокурори
ёрдамчиси
Шавкат ЁДГОРОВ,
«Huquq»

дай аванте" русумли автомашинани қалбаки ҳужжатлар билан фуқаро О.Сирожевга сотиб, уни 25 минг 700 АҚШ долларида чўч туширишган.

Қисқа вақт ичида суперфирибгарга айланиб улгурган Х.Зокиров энди "Мерседес-бенц", "БМВ" каби хоризнинг қимматбаҳо автомобиллари билан боғлиқ "ишлар" билан шугулланишга қарор қилади. Ҳўрқиди-ги каби усуллар билан фирибгарлар гуруҳи фуқаро С.Уватова 15 млн. 800 минг сўм, Х.Махамбоевга 16 минг АҚШ доллари ва 9 млн. 600 минг сўм, Қ.Ҳабибова 25 минг АҚШ доллари, С.Комиллова 26 минг АҚШ доллари, М.Абдиевга 9 минг АҚШ доллари, Ф.Юсуповга 17 млн. 55 минг сўм, У.Донабековга 9 минг АҚШ доллари, Х.Сарибековга 12 минг 500 АҚШ доллари, Б.Турдибековга 42 млн., С.Солиховга 27 млн. 750 минг сўм, К.Жўраева 31 минг АҚШ доллари, Б.Қўзмига 12 минг 500 АҚШ доллари, С.Алиевага 27 млн., Б.Абдунаимовга яна 21 млн. 400 минг сўм, Б.Саидбоевга 26 минг АҚШ доллари, Б.Темжировга 26 минг АҚШ доллари, Б.Жигитова 15 минг АҚШ доллари, С.Абдунаимовга 23 минг 500 АҚШ доллари миқдорда моддий зарар етказишган. Бошқача айтганда, шунча фуқаронинг ишончини суниестемол қилиб, пул ва моддий бойликларига эга чиқишган. Х.Зокиров бошчилигидаги уюшган жиний гуруҳ томонидан 64 та эпизодда фирибгарлик, ҳужжатларни сохташатириш жиноятлари содир этилган.

Хуқуқ-тартибот органлари томонидан уларнинг фаолиятига барҳам берилмаганида, эҳтимол, улар ҳамон ҳамюртларимизни чўч тушириб, уларнинг пешона тери билан топган пулларини ўзлаштиришда давом этаётган бўлармиди. Дастлабки ва суд терғови жараёнида уюшган гуруҳ аъзоларининг деярли барча жиний қилмишлари фож этилди.

Суд уларнинг ҳар бирига қилмишига яраша жазо белгиледи. Жиний гуруҳга бошчилик қилган суперфирибгар Х.Зокиров 12 йилга озодликдан маҳрум қилинди. Шунингдек, жабрланувчи шахслар ва кредит уюмаларига етказилган моддий зарарни тегишли миқдорда Х.Зокиров, Ж.Салимов, З.Турдибеков, Р.Ўтановлар томонидан қоплатиши белгиланди.

Биз бутун баён қилган "фирибгарлик одиссеяси" эҳтимол, айримлар учун оддий ва аҳамиятсиз туюлгандир. Аммо айтингчи, бир эмас, икки эмас, ўйлаб инсонларнинг ишончини суниестемол қилиб, алдаб чўч туширишни қасб қилганлар ўғри, талончи, қиссавурлардан нима фарқи бор?

Ўғри ё қиссавур пулингизни, моллингизни ўғирласа, фирибгар уларга қўшиб ишончингизни ҳам ўғирлаб олади. Хушёр бўлинг, одамлар!

Рашким менинг балодур...

К ишнинг изгиринли кунлари. Кароматхон ая кундалик омушлар билан ўралашди, ҳовлисида кирган аёлни сезмай қолди. Бироздан сўнг кутилмаган меҳмонни кўриб шовиб қолди-ю, уни уйига таклиф қилди. Нотаниш аёл Нодирхонни Россия давлатига олиб кетган Светанинг онаси эканлигини айтгач, Кароматхон ая ўғлининг ҳол-аҳолини суриштири бошлади. Аммо, онанинг кейинги гаплари бўғизда қолди. Меҳмон Нодирхон кунни кеча Самара шаҳрида вафот этганлигини айтди.

Телефонига ёзма хабар келган Санжар (исмлар ўзгартариб берилган) уни очиб ўқиди. "Санжар ака, мени тинч қўйинг, бўлмаса иккаламизга ҳам ёмон бўлади. Сизни йўқотиб қўйишдан қўрқаман".

Бундай тушунарсиз гаплардан боши қарахт бўлган Санжар шу заҳоти Наргизага телефон қилди. Лекин Наргиза жавоб бериш ўрнига, йиглайвериб, Санжарни баттар хавотирга солди. Ахир, кунни кеча иккаласи бахтиёр эдилар-ку! Наргизани чиройли гулдаста билан сийлаган йигит анча вақтини у билан ширин суҳбатлашиб ўтказганди. Бугун эса...

Тезда Наргизанинг олдида борган Санжар ҳамма гап қиз билан бирга ишлайдиган Нодирхонда эканлигидан хабар топди. Маълум бўлишича, Нодирхон қизни, "Агар Санжарни ташлаб, мен билан гаплашмасанг, йигитингни ўлдираман", деб қўрқитибди.

"Ёшлик — бебошлик", деб бекорга айтишмаган экан. Санжар ўртада "қоработир"лик қилаётган Нодирхонни бир уринишдаёқ кулатишни дилига туғиб, унга телефон қилди-да, яқма-яққа гаплашиб олишга чақирди.

У цехга келгач, рақибини чақиртирди. Бироз талашиб-тортишгандаридан сўнг Нодирхоннинг:

— Наргизадан кечасанми ёки ўлишни афзал қўрасанми? — деган дағдағаси оловга мой куйгандай бўлди. Санжар ҳам бўлиб келмади.

— Ким ўлишини ҳали қўра-миз, Наргизани сенга бериб қўйдиган аҳмоқ йўқ, У меники...

Қўллар мушт бўлиб туғилди. Мушлалару бошлади. Чўнтагидан пичоқ чиқариб, Санжарга

Сирожиiddн ЭШҚУВВАТОВ,
Бoш прокуратура бўлим бошлиғи
Холида ШАДИЕВА,
журналист

ташланган Нодирхон, ўнг оёғига келиб тушган зарбдан мувозанатини йўқотиб, йиқилди. Бундан фойдаланган Санжар унинг қўлидаги пичоқни олиб, Нодирхоннинг қўл ва бўйига ура бошлади. Қочибга уринган рақибини эшик олдида бир эркак ва аёл тутиб қолди. Уларни Нодирхоннинг танишлари, деб гумон қилган Санжар шу заҳоти жуфтакни ростлади. Қўлидаги пичоқни кўчага отиб юборди.

Бу воқеа Россия Федерациясининг Самара шаҳрида рўй берди. Жиззах туманида яшовчи 27 ёшли Санжар билан асли сирдарёлик 23 ёшли Наргиза мана 4 йилдирки бир-бирини ёқтириб, гаплашиб юришар эди. Уларнинг муносабатларидан иккала томоннинг ота-оналари ҳам хабардор эдилар. Ҳатто, 2007 йилда Наргиза иш-лаш учун Россияга кетаётган вақтда Санжар уйдагиларининг қаршиликларига қарамай қиз билан бирга кетган, салкам бир йил давомида ишлаб қайтган ҳам эди.

Наргиза 2008 йилнинг август ойида яна Самара шаҳрида кетади. Бу сафар ҳам Санжар севгилсининг ортидан қолмайди. Қизга яқин жойдан иш топган Санжар у билан муносабатларини давом эттириб юраверди. Шу шаҳардаги эр-хотин Виктор ва Светланага қарашли салат цехида ишлаб юрадиган ҳамюрти Азиз билан ҳам янги йил кечасида танишди. Қолган воқеалар тафсилоти эса сизга маълум.

Қилар ишни қилиб қўйган "ошиқ йигит" турар жойдан нарсаларини олиб, манзилини ўзгартирди. Сўнгра Оренбург шаҳридан қўнм топади. У ерда ҳам 3-4 ой яшаб, Қозоғистон Республикасига ўтди. Охириқубат дарбадарликдан қарчаб, Ўзбекистонга, Жиззах туманига қайтиб келгач, ҳўққни муҳофаза қилувчи органлар томонидан қўлга олинди.

Жиноят ишлари бўйича Янгийўл туман суди Санжарни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 97-моддаси, 1-қисми билан айбли деб топиб, унга 13 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади.

"Бўрилар орасида яшасанг, бўридай уанишгн керак". Рус халқининг бу мақоли қандай маъно беришини Арслан Абилонинг ҳаёти мисолида аққол кўриш мумкин. 1989 йилда туғилган ёш татар йигити Россияга кетмасдан аввал наша нималигини эҳтимол туши-ла ҳам кўрмаганлар.

Узоқ Россия шаҳарлари, мардиқорчиликнинг қийин-қаттиқ кунлари, оғир меҳнат унинг харақтерига салбий таъсир кўрсатди. Турли миллатдан бўлган унинг ҳамроҳлари наша чекишарди. Арслан ҳам улардан олиб, бир-икки тортадиган бўлди. Наша деган офатга гирифтор бўлиш учун шунинг ўзи етарли эди. Арслан ўзи истамасдан ҳолда нашанинг ту-

Ҳалокат йўли

Акмал АБДИЕВ,
Қарши транспорт прокурори
Норбўта ҲОЗИЕВ,
«Huquq»

ногирон фарзандларнинг дунёга келишига сабаб бўлади. Гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиш туфайли мажруҳ, ақли заиф болаларнинг туғилиши, нафақат ота-она, балки жамият ва давлат учун ҳам оғир фалокат, тузатиб бўлмайдиган хато эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

Хуллас, ўша кунни Арслан нашанинг ҳумори тутиб қийна-ла бошлади ва қандай йўл билан бўлмасин бир марта чекулик наша топиш учун Фафур Турдиевниқига йўл олди. Бу одамда марихуана бор эди. Ф.Турдиев унинг азобланаётганини, ҳақиқатан ҳам шу лаҳза-

оғирлиги 1,3 грамм бўлиб, бунни судда Фафур Турдиевнинг ўзи ҳам тасдиқлади. "Мен бир чекулик берувдим", деди у.

"Шу кунни тушлик пайтида, — деб кўрсатмасини давом эттирди Ф.Турдиев. — 4-5 нафар киши келиб, Қарши темирйўл бекати тармоқ ИИБда ишлашларини айтишиб, уйимда гиёҳвандлик моддаларини сақлаш ва фуқаро А.Абилонга наша сотганликда гумонланаётганлигини билдиришди".

ИИБ ходимлари тинтув қилаётганида Фафур Турдиев чўнтагидан гугурт қутисини олиб, озсизга солди ва чайнай бошлади. Бирок барча харақатлари зое кетди. Нашаванднинг мақсадини англаган ИИБ ходими унинг озсизга темир қошиқ тикиб, эзлиб қолган қутини чиқариб олди. Агар у ичида 3,6 грамм марихуана гиёҳвандлик воситаси бўлган гугурт қутини чайнаб, ютиб юбора олганда... йўқ, бундай бўлмади. Энди унинг рад қилиб бўлмас айби ўзи билан бирга эди.

Гувоҳ сифатида судда иштирок этган З.Норова 1977 йилдан буён турмуш ўртоғи Фафур Турдиев билан бирга яшагани, аммо бирор марта бўлсин унинг наша у ёқда турсин, ҳатто сигарет чекмаганлигини баён этди. Гарчи, турмуш ўртоғи вақтинча ҳеч қаерда ишламай келаётган бўлса-да, бозорда картошка сотиб, рўзгор тебратиши, тартиб-интизомли одамлиги, маҳалланинг ишларига қўп қатори қатнашиб юришига уру берди. Аёл ўша кунга қадар (2011 йил 5 март) эрининг олдида бирорта бегона одам келмагани, ҳовлида гуллар орасида бир тул наша ўсимлиги ўсиб чиққанлигидан ҳам токи турмуш ўртоғининг ёнида ИИБ ходимлари наша топиб олгунларига қадар мутлақо хабарсиз бўлганлигини баён этди.

Суд ҳайъати ҳар иккала судланувчининг қилган жиноятларини чуқур ўрганиб чиқиб, қонун доирасида жазо тайинлади.



зоғига илинди-қўйди.

Ўзбекистонга — ўз туғилган юртига қайтаркан, тузоқ таъсиридан чиқиб кетаман, деб умид қилганди, бўлмади. Энди вақти-вақти билан унинг боши қаттиқ оғир, нимадан-дир дили гашланиб, ўзини қўярга жой тополмай қолар ва илгисини йўқотган кампирдай атрофга олазарак қарарди.

Ана шундай кунларнинг бирида у велосипедни миниб кўчага чиқади. Тасодифи ёки кўнглининг бир четиди бормиди, ҳар ҳолда у бошқа томонга қараб кетмай, шаҳарнинг Новак кўчаси томон рулни бурди.

Гиёҳвандлик шуниси билан ҳам хавфли, психотроп моддалар ўз ўлжасини оиладан, фарзандлар ва қавму қариндошлардан айиради, бутунлай ўзиники қилиб олади ва ҳалокат сари етаклайди. Инсон наслига ҳам кучли таъсир кўрсатадиган бу иллат оғиз ва

Бугун дунё ҳамжамиятини ташвишга солиб келаётган қўлаб транс-миллий жиноятлар сир эмаски, ҳали-ҳануз ўз ечимини тўлақонли даражада топаётгани йўқ. Одам савдоси эса, ана шу трансмиллий жиноятчиликнинг энг кўп тарқалган ва қулоқ ёйиб бораётган энг хавфлиларидан бири ҳисобланади.

Президентимиз "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қарорлари" асарига енгил йўл билан жуда катта бойлик орттириш шарпаси турли мамлакатлардаги жиноятчи унсурларнинг бирлашишига, халқаро жиноятчи ҳамжамиятлар пайдо бўлишига олиб келишини кўрсатувчи мисоллар бүтун дунё амалиётида етарли. Уларнинг фаолият соҳаси барчага маълум: у нопок пул топиш имкони бўлган ҳамма жойда қўлланилади", деганида нечоғли ҳақ эканлигини бугун ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.



Юқорида таъкидланганидек, дунёдаги деярли барча мамлакатлар бу иллатдан маълум даражада жабр кўрмоқда. Ушбу жиноятнинг ҳар қандай қўрилиши ва тури трансмиллий, яъни чегара билмас эканлиги, унга қарши халқаро миқёсда курашишни тақозо этмоқда. Шу маънода, "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши, юртимизда бундай турдаги жиноятларга қарши муросасиз бўлиш лозимлигини яна бир бор кўрсатиб берди.

Мўмай даромад илинжида

Шўҳрат ХОЛМАТОВ,
Ҳамза туман прокурори ёрдамчиси
лавозимида иш ўрганувчи

ижтимоий сабаблар билан қийин ҳолатларга тушиб қолган қизларни яхши иш, мўмай даромад топиш мумкинлиги тўғрисидаги ёлғон уйдирмалар билан олиб келиб, фоҳишалик билан шуғулланишига мажбур қилганлар. Шунингдек, уюшган жиноий гуруҳ аъзолари мижозларни интернет тармоқлари орқали ҳам жалб этишдан унумли фойдаланишган.

Маънавий муҳитнинг бузилишига, инсон ҳуқуқларининг камситилишига йўл қўйиб, жиноий йўллар билан бойлик орттиришни қўзлаган нопок шахсларга нисбатан одил суд турли муддатларга озодликдан маҳрум этиш жазосини тайинлади.

Ёшлар — юрт келажаги, миллат таянчи

буни унутишга ҳаққимиз йўқ

(Давоми.
Бошланиши 4-бетда)

Табиики, воёга етмаганлар билан ишлашда ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлик ижобий самара беради. Аммо Мингбулоқ, Поп, Учқўрғон, Уйчи ва Янгикўрғон тумани ИИБ бўлимида гуруҳлари бундай ҳамкорликини самарали йўлга қўймаганлар. Маҳалла институти имкониятларидан тўлақонли фойдаланмаганлар. Оқибатда, мазкур туманларда муқаддам ҳуқуқбузарлик содир этган ўқувчиларнинг яна қайта жиноят қўчасига кириш ҳолатлари кузатишган. Жумладан, муқаддам ўғирлик содир этган Чуст туманидаги 2-умумтаълим мактаби 9-синф ўқувчиси Б.Абдусалоев назоратсиз қолиб, 2011 йил 3 март куни такроран ўғирликка қўл урган. Яъни у Чуст туманида яшовчи Х.Юлдашевага тегишли бир миллион уч юз минг сўмлик мол-мулкларни унинг хонадонидан яширин равишда олиб чиқиб кетган.

Этиборингизни яна бир ҳолатга қаратсак. Мингбулоқ туманида 1068, Косонсой туманида 2007, Норин туманида 1346, Янгикўрғон туманида 1783 нафар касб-хунаар коллежи ўқувчилари дарсларга қатнашмай келадиган бўлса-да, ушбу туманлар гуруҳ инспекторлари буни яширишга уринганлар. Улар томонидан воёга етмаганларни ҳисобдан чиқаришда ҳам

этиборсизликка йўл қўйилган. Бундан ташқари, Янгикўрғон тумани ИИБ гуруҳи томонидан 2011 йил 1 апрель ҳолатига ҳақиқатан 10 нафар воёга етмаганлар профилактика ҳисобга олинган бўлса-да, ҳисоботларда 14 нафар қайд этилган.

Муқаддимда айтиб ўтганимиздек, ўғил-қизларимизнинг тарбияси, уларга ғамхўрлик кўрсатиш, иқтидорини юзага кўчариш борасидаги ютуқлар салмоғи бекиёс. Бироқ яна шуни таъкидлаш керакики, бу борадаги биргина камчилик, ҳўжасизлик ҳам кўп демакдир. Шунинг учун ҳам текшириш аяқларига кўра, аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан жойларга 47 та тақдимнома киритилди. 4 та қонунсиз қарорга нисбатан протест келтирилди, 7 нафар масъул шахс қонунбузилишига йўл қўймаслик ҳақида расман оғохлантилди. 246 нафар масъул шахсга нисбатан интизомий, 26 нафарига маъмурий, 24 нафарига моддий, 1 нафарига жиноий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилди.

Зотан, гап миллат келажаги ҳақида кетар экан, тарбия ишлари кечиктириб, бу борада ҳатога йўл қўйиб бўлмайди. Фазагонларимизда ҳаёти, камолга доимий этибор ва бу борадаги масъулиятни жиддий ҳис этган ҳолда олиб борган фаолиятимизгина ёрқин ва саодатли келажакимизни таъминлайди.



Осиё Футбол Конфедерацияси (ОФК) Ўзбекистонга ОЧЛ учун 3+1 ўринишда квота берди. Демак, келаси мавсумдан бошлаб, Осиё чемпионлар лигасининг гуруҳ босқичида Ўзбекистондан "Бунёдкор" (чемпион), "Пахтакор" (Ўзбекистон кубоги соҳиби) ва "Насаф" (чемпионатда 2-ўрин) жамоалари иштирок этишади. "Нефчи" эса Чемпионлар лигасини саралаш баҳсларидан бошлайди.

"Нефчи" ғарбдаги саралаш баҳсларида қатнашади ва гуруҳдаги тўғридан-тўғри қатнашадиган жамоаларимиздан бири Шарқ минтақасида иштирок этади. Демак, "Бунёдкор", "Пахтакор" ёки "Насаф" дан бири шарқликлар билан кураш олиб боради. Бу кураш орқали ҳал қилинади. Клубларимиз илк марта ОЧЛ гуруҳ босқичида қатнашади. Ғарбда эса "1+1"чилар орасига Қатар, Эрон, БАА ва Ўзбекистон давлатлари киради. "Нефчи" эса ана шу давлатлардан ОЧЛга қўшилган 4-жамоалар билан саралашда қатнашади.

Квоталар тақсими.

Ғарб минтақаси.

Саудия Арабистони — 4 та, Ўзбекистон, Қатар, Эрон, БАА — 3+1 тадан. ОФК кубоги финалчиси — "Кувайт" СК — 0+1.

Жами: 16+1

Шарқ минтақаси:

Япония, Жанубий Корея, Хитой — 4 тадан Австралия — 2 та. Таиланд — 0+2 Индонезия — 0+1

Жами: 14+1

«Арсенал»нинг нияти жиддий



Лондоннинг «Арсенал» клуби раҳбарияти «Боруссия» жамоасининг 19 ёшли

ярим ҳимоячиси Марио Гётцене сотиб олиш ниятидан ҳали воз кечмаган.

Англия матбуотининг хабарларига кўра, икки клуб раҳбарияти ҳамда футболчилнинг вакили яқин вақт ичида, Лондонда бўладиган «Арсенал» — «Боруссия» уйини олдида трансфер масаласида уррашади.

Маълумотларга қараганда, немислар футболчини 30 миллион фунт стерлингдан камига сотишмас экан.

Бин Ҳаммам апелляция берди

ОФКнинг собиқ президенти Муҳаммад Бин Ҳаммам Лозаннадаги Спорт арбитраж судига (CAS) ФИФАнинг қарорини нисбатан апелляция берди. Эслатиб ўтамиз, ФИФА президенти унинг сайловлардан олдин овоз берувчиларни сотиб олишга уринганлиқда айбланган Бин Ҳаммамни ФИФА бутун умрга футболдан дисквалификация қилган эди.

Ушбу ишни кўриб чиқиш саниси ҳали аниқ эмас.



Ёшларимиз БААга, ўсмирларимиз эса Эронга боради

ОФК қароргоҳи ҳисобланган Куала-Лумпурда йил якунлари ва бошқа масалаларга бағишланган мажлислар давомидан 2012 йили бўлиб ўтадиган ёшлар ўртасидаги Осиё чемпионати Бирлашган Араб Амирликлари давлатида бўлиб ўтиши аниқ бўлди. Аҳмаджон Мусаев бошқарувидagi Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси энди келгуси йили БААда бўлиб ўтадиган китъа чемпионатида қатнашади.

Тошкентда бўлиб ўтган саралаш ўйинларида ижобий натижа кўрсатган Дилшод Нуралiev бошчилигидаги ўсмирлар терма жамоамиз эса ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионатида иштирок этиш учун Эронга боради. ОФКдаги иш услубига кўра, саралаш ўйинларида иштирок этиб, китъа чемпионатида йўлланмани қўлга киритган мамлакатнинг аризаси асосида мезбон мамлакат аниқланади. Мезбонлик қилиш учун ариза юборган мамлакатлар ичидан фақатгина Эрон китъа чемпионати йўлланмасини қўлга киритганлиги боис, бугун Эрон ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионати мезбони сифатида расман тасдиқланди.



Максудали КАМБАРОВ тайёрлади

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси, Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази ва Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси жамоаси прокуратура фахрийси

Минайдар ИЛҲОСОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси, Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази ҳамда Ўзбекистон Транспорт прокуратураси жамоаси прокуратура фахрийси Ботир Саидовга турмуш ўртоғи

Муҳаббат САИДОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Бухоро вилоят прокуратураси жамоаси Олот туман прокурори

Ислом Ражабовга волидаи муҳтарамаси

Шарофат аянинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси жамоаси Тошкент ҳарбий округ ҳарбий прокуратураси катта терговчиси Маҳаммаджон Бозармирзаевга отаси

Бекмирза БОЗАРМИРЗАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Бухоро вилоят прокуратураси жамоаси вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи ўринбосари Қодир Қиличевга падари бузруквори

Фрунзе ҚИЛИЧЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Конституция — бахтимиз қомуси

Муҳаммаджон ҳожи МАҲМУДОВ,
меҳнат фахрийси

Марғилон шаҳридаги касб-хунаар коллежлари ва лицейларда ўқувчилар ўртасида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллиги олдида ўқувчилар ҳуқуқини онги ва маданиятини юксалтиришга қаратилган тадбирлар ташкил этилмоқда. Ҳафтанинг ҳар жума куни ўтказилаётган «Ҳуқуқ билими» кунлари, барча фан ҳоналарида ташкил этилаётган «Ҳуқуқ соатлари» машғулотири мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини ўқувчиларга тушунтиришга йўналтирилган.

Марғилон шаҳар прокурорининг ёрдамчиси Анвар Адхамов 1-Тиббиёт коллежида ўтказилган семинар машғулотиди Конституцияда белгилаб берилган ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳақида маъруза қилди. Шунингдек, ўқувчилар томонидан тайёрланган маърузалар тингланди.

Жадвал асосида шаҳар прокурори катта ёрдамчиси Икром Мамажонов «Қомусимиз — бахтимиз пойдевори», прокуратура катта терговчиси Шерзод Мавлонов педагогика коллежида «Конституция — қафолатлар кўзгуси» мавзусида сўз юритдилар.

Коллежларда шунингдек, «Қомусимиз — бахтимиз пойдевори» мавзусида кўрик-танловлар ўтказилиб, ғолиб ўқувчилар эсдалик совғалари ва фахрий ёрликлар билан тақдирландилар.

Huquq
yuridik gazeta

Muassis:
O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:
Abbosxon SANGINOV Baxtiyor NAZAROV
Muxtor ZOIROV (Bosh muharrir
Gulnora RAHIMOVA o'rinbosari)
Yusupboy G'OIPOV Shavkat YODGOROV
Svetlana ORTIQOVA (mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo
G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,

233-10-53

Faks: 233-10-53,

233-64-85

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar tegir qilmaydi va egalari qaytarilmaydi.
Mualif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.
«HUQUQ» materiallari ko' chirib bosish fagat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
□ — tijorat materiali.
Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.

Nashr ko'rsatkichi
231

Buyurtma j-3219. 48 616 nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: F.YODGOROVA
Mushahh: M.DAMBAROV
Navbatchi: O'DEHQONOV

Bosma xonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta «O'zbekiston» nashriyoti matbaa ijodiy uyida chop etildi.
Korxona manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Gazeta O'zbekiston
Respublikasi matbuot va
axborot agentligida 2009-yil
12-oktabrda 0188-raqam
bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-7437

